

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ**  
**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК**  
**ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**  
**САНЪАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**  
**“ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга тавсия этилсин”  
Факультет декани ф.ф.д. Л.Р.Раупова

“ ” 2018 йил

5210200 – “Санъатшунослик: (тасвирий ва амалий санъат)” таълим  
йўналиши талабаси

**Халилова Нилуфар Асатулла қизининг**  
**“ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК МАҲАЛЛИЙ РАССОМЛАР ИЖОДИ”**  
**МАВЗУСИДАГИ**

**БИТИРУВ МАЛАҚАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар:

“ ” 2018 й.

“Ҳимояга тавсия этилсин”  
“Тасвирий санъат тарихи ва назарияси”  
кафедраси мудири С.А.Курбанов

“ ” 2018 йил

**Тошкент – 2018**

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<b>I БОБ. XX асрнииг биринчи чорагида сиёсий, бадиий ҳаёт.....</b>	<b>9</b>
I.1. 1930-йилларда Ўзбекистондаги сиёсий мухит.....	9
I.2. Илк маҳаллий рассомлар мактаби.....	18
<b>II БОБ. Илк маҳаллий рассомларнинг ижоди.....</b>	<b>29</b>
II.1. 1930-йилларда рассомлар ижодининг шаклланиши.....	29
II.2. Илк маҳаллий рассомлар ижодининг ривожи.....	42
Хулоса.....	61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	64
Иловалар.....	70

“Тасвирий санъат тарихи ва назарияси” кафедрасининг 2018 йил \_\_\_\_\_  
даги №\_\_\_\_-сонли мажлисида хамда Санъатшунослик  
факультетининг 2018 йил \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_-сонли Факультет  
Кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчи: Тошкент Архитектура  
Курилиш Институти “Архитектура  
тарихи ва назарияси” кафедраси мудири  
Ш.Н.Абдуллаев\_\_\_\_\_

Ҳимоя 2018 йил \_\_\_\_ июн соат \_\_\_\_\_да Камолиддин Беҳзод номидаги  
Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилади.

Манзил: Миробод тумани Мироншоҳ кўчаси 123 уй.

## КИРИШ

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тасвирий санъатида орадан бир неча ўн йилліклар, деярли бир аср ўтса-да, ўтган аср бошларидағи санъат фалсафаси, унинг бадиий, гоявий, шаклий, энг асосийси, бугунги кунга хос бўлган эркин ижод этиш хукуки ўз кўринишини анча ўзгартирган, айрим ҳолларда сақлаган ҳолда, бугунги рассомларимиз ижодида давом этмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари ривожига катта эътибор берилмоқда. Айниқса, кейинги пайтда бу соҳа равнақини янги босқичга кўтариш бўйича улкан ишлар қилинмоқда. Халқимизнинг бой маданий меросини тиклаш ва ўрганиш мақсадида бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази, Самарқандда Имом Ал-Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилмоқда. Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда. Китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилиб, худудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил қилмоқдалар<sup>1</sup>.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида ёш истеъодод эгаларининг иқтидорини юзага чиқариш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўтган аср бошларида Ўзбекистонда яратилган асарлар авваломбор шу даврнинг маънавий рухини, ижодкорнинг ўзига хослигини ифодалаб, ҳозирги замонавий санъатни белгилайдиган манбаа ҳисобланади. Бугунги асарлар, унинг услуби

---

<sup>1</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси. IV бўлим, V банд.

ва ўзига хос қирраларини тушуниш учун энг аввал унинг кечаги тарихига, давр яратган сифатлариға назар ташлаш лозим. Тўғри, баъзи бир санъатшунослар А.Умаров, Р.Х.Такташ, М.Б.Мясина, Л.В.Шостко ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўтган аср бошларида кечаётган бадий жараёнларнинг маълум бир қирралари ҳақида сўз юритганлар. Аммо, уларда даврнинг ижтимоий-сиёсий мафкурасининг излари мавжуд.

Эндилиқда Ўзбекистон рангтасвирининг шаклланиш ва ривожланиш муаммолари, унинг эволюцияси қайтадан ўрганиб чиқиб, мушоҳада этиш долзарб вазифалар қаторига киради. Айнан шу сабабдан ҳозирги замон тадқиқотчилари олдида янги тарихий маънавий маконда миллий бадий мактабнинг шаклланиш масалаларини кўриб чиқиши ва унда илк миллий кадрларни ўрнини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган фикрлар натижасига кўра "Ўзбекистон бадий мактабининг шаклланишида илк маҳаллий рассомлар ижоди" мавзуи устида изланиш олиб бориш ўз долзарблигини мустаҳкамлайди.

**Ишнинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот иши мавзуи доирасида бир катор илмий адабиётлар борлиги бир томондан қувонарли ҳолдир, аммо иккинчи томондан улардаги матн моҳияти бугунги куннинг бадий салоҳияти талаблариға тўғри келмай қолган. Масалан, В.Чепелевнинг "Искусство Советского Узбекистана"<sup>2</sup> ва Н.Колиннинг "Изобразительное искусство Узбекской Республики"<sup>3</sup> асарларида 1930-35-йиллар рангтасвирига оид маълумотлар берилган. Мамлакатимизнинг музей фондларида сақланаёттан машхур рассомлар асарлари ҳам манба сифатида хизмат қилди.

А.Умаровнинг "Портретная живопись Узбекистана"<sup>4</sup> асарида Ўзбекистонда портрет жанрининг миниатюра санъатида шаклланишидан тортиб, то 1960-70 йилларга қадар ривожланиш

<sup>2</sup> В.Чепелев. Искусство Советского Узбекистана. - Л., 1935.

<sup>3</sup> Н.Колин. Изобразительное искусство Узбекской Республики. - М., Искусство, 1937.

<sup>4</sup> А.Умаров. Портретная живопись Узбекистана. -Т., Искусство, Фан., 1968.

босқичини кўриб чиққан. Аммо изланиш олиб борилаётган манбаларнинг тадқиқот услуби даврнинг ижтимоий-сиёсий мафкурасига мослаштирилган. Ваҳоланки, айнан Ғарб санъатидаги модернизм ғояларининг Ўрта Осиё маданияти билан уйғунлашувини, ўзбек авангард рассомларининг шаклланишини кўриш мумкин.

Юз йиллик санъат ривожини очиб берувчи Р.Х.Такташнинг "Изобразительное искусство Узбекистана"<sup>5</sup> (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг 60-йиллари) асари 1970 йилларга қадар бўлган кенг бадиий маълумотларни ўзида мужассамлаштирган. Китоб Ўзбекистоннинг графика, рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, саҳна безаги ва меъморчилик санъатларини тадрижий ривожланишдаги умумлашма маълумотлари билан эътиборлидир.

Ўзбекистон рангтасвирининг асосий ривожланиш жараёнини, жанрли-тематик ўзига хослигини, услугий йўналишни, бадиий анъаналарини, миллий ўзига хослик муаммоларининг динамикасини ёритиб берган Н.Р.Ахмедованинг "Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог"<sup>6</sup> номли монографиясида Марказий Осиё давлатлари қаторида Ўзбекистон рангтасвири ривожининг шаклланиши ва уйғунлашуви муаммолари, 1920-1930 йиллардаги рангтасвир генезиси, миллий мактаб ва ўзига хослик масалаларига тўхтаб ўтилган. Асарда янгиланган методологик ёндашув билан худуд санъатидаги тарихий-маданий трансформациялари, спецификаси, ривожланишнинг асосий муаммолари ва рассомлар ижодидаги этномаданий ўзига хослик йўлидаги изланишлар очиб берилган.

Шунингдек, изланиш жараёнида, ҳар бир рассомнинг ижодий услугуни чукур англаб етиш мақсадида уларнинг ижодига бағишенланган алоҳида монографияларга тўхтаб ўтилди. Жумладан, М.А.Соколованинг

<sup>5</sup> Р.Такташ. Изобразительное искусство Узбекистана (вторая половина XIX века до 60-е гг. XX века).- Т., 1972.

<sup>6</sup> Н.Р.Ахмедова. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. - Т., 2004.

"П.П.Беньков; воспоминания, переписка"<sup>7</sup>, Р.Х.Такташнинг "Н.В.Кашина"<sup>8</sup>, М.И.Земскаянинг "А.Волков. Мастер "Гранатовой чайханы"<sup>9</sup>, М.Б.Мясинанинг "Старейшие советские художники о Средней Азии и Кавказе"<sup>10</sup>, Л.В.Шостконинг "В.Уфимцев"<sup>11</sup>, "О.Татевосян"<sup>12</sup>, Б.В.Веймарннинг "Ў.Тансықбаев"<sup>13</sup> ва "О.Татевосян"<sup>14</sup>, Н.Аҳмедованинг "Ў.Тансықбаев. Избранные произведения"<sup>15</sup> ва бир қанча монографик асарларнинг номларини келтириш мумкин. Уларнинг баъзиларида рассомнинг бутун ижод йўли тўлиқ ёритилиб, чуқур ахамиятга эга бўлган асарлар ҳақида маълумот берилмаган бўлса, баъзиларида рассом ижодининг асосий мағизи бўлган машҳур асарларига тўлиқ тўхтаб ўтилган. Масалан, М.А.Соколова П.П.Беньков ижодидаги, М.И.Земская А.Волков ижодидаги ўзига хос ёрқин асарларга алоҳида тавсиф бериб ўтганлар. Н.Кашина, В.И.Уфимцев, Б.Хамдамий, О.Татевосян ва бошқа бир қатор рассомлар ижодига муаллифлар тўхтаб ўтишган.

**Ишнинг мақсади:** ушбу тадқиқот иши ҳам мураккаб ва зиддиятли бўлган рангтасвирнинг шаклланиш йўлидаги ўзига хослигини, асарларнинг образли-услубий чизиқларини ҳар томонлама илмий изланиб ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Иzlаниш давомида илк махаллий рассомларнинг асарлари музей фонdlари, шахсий коллекциялар ва баъзи ҳолларда ўтган асрда чоп этилган китоб ва журналларнинг иллюстрацияларидан топиб, бир бутун бадиий ходиса сифатида ўрганиш кўзда тутилади. Ва, ниҳоят, тадқиқот

<sup>7</sup> М.А.Соколова. Павел Петрович Беньков. Воспоминания, переписка. - Т., Фофур Ғулом, 1981.

<sup>8</sup> Р.Х.Такташ. Н.В.Кашина. Т., Фофур Ғулом, 1982.

<sup>9</sup> М.И.Земская. Александр Волков. Мастер «Гранатовой чайханы». - М., Советский художник, 1975.

<sup>10</sup> М.Б.Мясина. Старейшие советские художники о Средней Азии и Кавказе. - М., Советский художник. 1973.

<sup>11</sup> Л.В. Шостко. Виктор Уфимцев. -Т., Фофур Ғулом, 1984.

<sup>12</sup> Л.В.Шостко. Оганес Татевосян. - М., 1977.

<sup>13</sup> Б.В.Веймарн. У.Тансықбаев. - М., Советский художник, 1958.

<sup>14</sup> Б.В.Веймарн. О.Татевосян. - М., 1967.

<sup>15</sup> Н.Аҳмедова. У.Тансықбаев. Избранные произведения.- М., Советский художник, 1988.

иши янги мактаб шаклланаётган XX аср боши тасвирий санъат тарихидаги қарама-карши ва мураккаб муаммоларни очиб беришга ҳаракат қиласди.

**Ишнинг вазифалари:** "Ўзбекистонда илк маҳаллий рассомлар ижоди" илмий иши тўлиқ маънода ўз мазмун ва моҳиятини очиб бериш учун иш бошида қуидаги вазифалар устида изланиш олиб боришни белгилаб олинди.

Тошкент ва Самарқанд бадиий мактаблари ва у ерда таълим олган маҳаллий рассомларни аниқлаш;

- П.Беньков ва А.Волков рангтасвир мактаблари ҳамда шогирдларини аниқлаш;
- Илк маҳаллий рассомлар ижодининг ўзига хослигини ёритиши;
- Рассомлар томонидан яратилган асарларни таҳлил этишдан иборат.

**Иzlaniш объекти ва предмети:** малакавий битирув ишини очиб беришда Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси, К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кутубхонаси, Республика Болалар кутубхонасидаги асарлардан манбаа сифатида фойдаланилди. 1920-1930 йилларда яратилган асарларни, жумладан илк маҳаллий рассомлар ижодини мукаммал ва тўлиқ ўрганиш мақсадида илмий адабиётлардан ташқари мазкур асарлар сақланаётган бир неча музейлар, галереялар ва шахсий коллекциялар уларнинг фонди билан танишиб, ҳар бир асарнинг асл нусхаси ўрганилди. Илмий изланиш жараёнида авваламбор Ўзбекистон Давлат Санъат музейи асосий обьект сифатида кўрилиб, унинг фондида мавжуд бўлган материаллар тўпланди. 1920 - йилдан тортиб 1940 - йилларга қадар Россия ва Ўзбекистон рассомларининг мўжиза билан сақлаб қолинган ва энг муҳими мукаммал маълумот билан таъминланган минглаб рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлиқ асарларини ўзида мужассамлаштирган Нукус Давлат Санъат музейи ҳам эътибордан четда қолмади.

**Ишнинг тузилиши.** Ушбу илмий изланиш иши кириш қисми, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иллюстрациялар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 63 бет.

## **I БОБ. XX асрнинг биринчи чорагида сиёсий, бадиий ҳаёт**

### **I.1. 1930-йилларда Ўзбекистондаги сиёсий мухит**

Ўзбекистоннинг замонавий тасвирий санъати ва унинг қадимий тасвирий маданият ва анъаналари билан алоқалари узилган. Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада XIX асрнинг 70-йилларида тасдиқланган Туркистон генерал-губернаторлигида тасвирий санъат рус бадиий маданиятининг бир бўлаги бўлиб қолди, миллий, маҳаллий маданият билан мустаҳкам алоқалари йўқ эди. Аммо халқ, замонавий жаҳон санъатига хос тасвирий санъат шаклларида оламни эстетик ўзлаштиришга эҳтиёж сезиши<sup>16</sup>.

1920-30-йиллар ўзбек санъатининг ривожи мураккаб ва зиддиятли: бир томондан санъат тараққиёти давр мафкураси билан ўзининг дастлабки тайзиқига учраган бўлса, иккинчи томондан маҳаллий рассомларнинг кенг кўламда санъат майдонига кириб келиши ва реалистик санъат алифбосини ўзлаштириш даври бўлди. Ўзбек санъатида биринчи бор дунёвий санъат, унинг янги тур ва жанрларнинг пайдо бўлиши ва дастлабки танқидий йўналишнинг юзага келиши бўлди.

Республика тасвирий санъатида 1920-32-йилларда, хусусан, дастгоҳли рангтасвирда иқтидорли ва ранг-баранг изланишларга бой рассомлар сафи кенгаяди, ижодий кучлар шиддати кундан-кунга ортиб боради. Шу даврнинг дастлабки йилларида ўлкага М.Курzin, Е.Коровай, Н.Карахан, 1920-йиллар охирига келиб П.Беньков, Н.Кашиналар кўчиб келдилар. Илк ўзбек рассомлари Ў.Тансиқбоев, А.Сиддиқий дастлабки асарларини яратдилар. Бу давр рангтасвир санъати муттасил равишда мазмунан теранлашиб, турли ифодавий ва ижодий йўналишлар билан кенгайиб борди<sup>17</sup>.

---

<sup>16</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 11 6.

<sup>17</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 11 6.

Рассомлар хилма-хил мавзу ва мотивларни мавжуд тасвирий-ифодавий имкониятлардан фойдаланиб ифода этишга эришдилар. Ҳатто 1926-йили АХРРнинг (Ассоциация Художников Революционной России) Тошкент филиали ҳам айни маънодаги кўпқирралики маълум қолипга тушира олмади. Биринчидан, Туркистон ўлкасининг марказдан олислиги натижасида расмий ғоявий-сиёсий кўрсатма ва ижодий чеклашларнинг маҳаллий санъат ривожига таъсири қарийб сезилмаган. Иккинчидан, республикадаги ижодий кучларнинг аксарияти бадиий ва маънавий томондан анча етилган, мустақил ижодий йўлга чиқиб улгурган эди. Улар бу даврда тасвирий санъатда ижодий ва романтик рух чўққисига кўтарилигантар эдилар. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири қатъий характер билан бирга, санъат мазмун моҳияти ҳақида муайян тушунчага, ўз ифодавий услуби ва мавзу доирасига эга эди; чунончи, ижод ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари бир-бирига яқин бўлган ижодий гурухлар ҳам шакллана бошлаганди.

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, ўша даврнинг аёвсиз шиддати, янги ҳаётга интилиш, албатта ўлкамизга ҳам тобора ўз таъсирини кўрсата бошлаганди; “коммунистик партия мавқеининг мустаҳкамланиб бориши, синфий кураш ва синфийликка асосланган мафкура етакчи кучга айлана бориши бадиий зиёлилар, жумладан, эндиғина дунёқарашлари ва касб маҳорати шаклланиб келаётган рангтасвир санъати усталари ижодига ҳам маълум даражада таъсир этмай қолмади, ҳаётни бир ёқлама – коммунистик ғоявийлик, синфий позициядан туриб тасвирлаш, санъатнинг ҳам сиёсийлашуви, яъни социализм ва коммунизм ғояларига хизмат қилдиришга қаратилган бадиий ижоддаги социалистик реализм услуби тобора кенгрок кўламда ўз таъсирини ўтказа бошлаганди”.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар, ҳукмрон соцреализм услуби таъсирини шу даврдаги А.Волковнинг ижодида ҳам кўриш қийин эмас, шу руҳда яратилган “Қизил карвон”, “Шоҳимардон қишлоғи” (ДСМ) асарлари ва умуман, бундан кейинги изланишларида жамоа

мехнати, жамоа бўлиб овқатланиш, оммавийлик руҳи тобора рассом асарларининг асосий руҳига, умумий мазмунига, моҳиятига айланади; тантанали юришлар, кўтаринки меҳнат, ғолибона хатти-ҳаракатлар асар руҳини белгилайди.

1920-йилларда ҳукм сурган ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида “хар нарсага қодир умумхалқ кучи, умумий рух, жўшқин меҳнат симфонияси” ўша давр санъатининг асосий ғоясига айланди. Шу руҳда яратилган асарларда қаҳрамонлар кўтаринки руҳда берилар, намойишкорона гавда ҳолатлари, шоду ҳуррамлик, юксак пафос, ғолибона кайфият, шиорлар, ички ҳаяжонга тўлиб-тошган кўринишилар, воқеа иштирокчиларининг мамнун кайфиятлари ва ҳоказолар бутун асар руҳига айланарди.

Бу даврга келиб ўзбек санъати маҳаллий рассомлар ижодида биринчи марта замонавий санъатнинг турли кўриниш ва йўналишларида асарлар пайдо бўлди. Мойбўёқ техникасида асарлар кенг кўлам ёзди, хаёт воқелиги ҳаққоний, кундалик турмуш янгиликлари қаламга олинди, графикада эстамп санъати ривож топди. Шу йилларда рассомлар биринчи бор автопортрет санъатида қалам тебратা бордилар, ҳайкалтарошлиқда материалда ишланган асарлар (ёғоч, метал) пайдо бўлди. Кино-театр декорацияси ишланди. Меъморлиқда катта меъморий мажмуалар яратиш ишлари амалга оширилди. Бу ишлар айниқса, Ўзбекистоннинг янги пойтахти Тошкент шахрида сезиларли бўлди. Шу даврда биринчи бор миллий санъатда ўзига хос услугуб яратиш ҳаракати юзага келди. Рассом ва ҳайкалтарошлар шу мақсаддан келиб чиқиб ўтмиш санъати анъаналарини ўргана бошладилар. Айниқса ўрта шарқнинг буюк мутафаккирларидан бўлган Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан ўtkaziladigан тадбирлар шу изланишларни жонлантириб юборди. Миллий анъана ва услублардан фойдаланиб замонавий услугуб яратишга интилиш жонланди. Бу санъатнинг пластик томонини белгиловчи муҳим омил бўлди. Бу изланишлар санъатнинг деярли ҳамма турларида ўз ифодасини топа борди.

1930-йиллардан бошлаб кенг кўламда турли кўргазмалар уюштириш йўлга кўйилди. Москвада ўtkазила бошлаган санъат декадалари, бутун иттифоқ ва республика бадиий кўргазмалари анъана тусиға айланди. Шу йилларда биринчи бор ўзбек рассомларининг асарлари нафакат республика шаҳар ва қишлоқларида, балки бошқа мамлакатлар кўргазма залларида ҳам намойиш этила бошланди. Махаллий ёшлар Москва, Петербург ва бошқа шаҳарларда ижодий сафарда бўлдилар, уларнинг ишлаган асарлари Москва Шарқ халқлари музейи, Третьяков галереялари учун олинди. Сўзиз, бу тадбирлар бўлажак рассомларнинг дунё қарашини шаклланишига ва профессионал санъат сирларини чукур ўзлаштиришлари учун муҳим омил эди.

1934 йили Москвада Ўзбекистонлик рассомларни кўргазмаси бўлиб ўтади. Кўргазмага ўттизта рассомнинг жаъми 250 га яқин рангтасвир, графика асарлари намойиш этилди. Мазкур тадбирга Москвада чоп этиладиган “Творчество” журналининг бир сони аталади (санъатшунослар Б.В.Веймарн, В.Н.Чепелев ёритишган). Танқидчилар тамондан Ў.Тансикбоев, Н. Каракан, А.Волков, Усто Мўмин, М.Курзин, П.Беньков рангтасвир асарлари, ҳамда Ч.Ахмаров, С.Мальт, Л.Бурэ график асарлари юқори баҳоланади. Ёш рассомлардан Б.Хамдамий, А.Тошкенбоев, Л.Абдуллаев, А.Сиддикӣ ютуқлари таъкидлаб ўтилади. Шулардан, Ў.Тансикбоевнинг “Ўзбек портрети”, А.Волковнинг “Шоҳимардонда тонг”, П.Беньковнинг “Хивалик аёл”, Н.Караканни “Курилиш” асарлари шу йили Филадельфияда (АҚШ) Умумжахон рассомлар кўргазмасига олиб кетилди.

1930-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон рассомлари ҳақиқатни янада чукурроқ ва асосланиб ўрганишда давом этишди, ҳамда тарихий-инқилобий ва замонавий мавзуларга тез-тез мурожаат килишди. Улар маънавий юксалиши ва эстетик эҳтиёжи ўз навбатида рассомнинг шаклланишига таъсир этадиган жамият, одамлар олдидаги жавобгарлигини янада кўпроқ хис килишди.

Юқорида таъкидланганидек, 1934-йилда Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон рассомлари картиналари кўргазмаси республика тасвирий санъатининг кейинги тараққиётига қандай таъсир этгани маълум. Жумладан, бу 1935-1936 йилларда Тошкентда ва Самарқандда ўтказилган якуний кўргазмаларда намоён бўлди. Албатта, Москва кўргазмасига тайёргарлик ишлари билан Тошкентдаги республика кўргазмаси вернисажи оралиғида кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо бу вақт ичида рассомларнинг ҳалқ турмушига бўлган эътибори қучайди. Санъат ва маданиятда бундай ягона мафкура ҳамма ҳалқ ва элатлар санъати ва маданиятида шакллана бошлаган янгича урф одатларда яқинлик ва ўхшашликлар келтириб чиқарди. Шу шароитда янги ўзбек санъати шаклланди ва ривожланди<sup>18</sup>.

1920-30-йилларда портрет жанрининг алохида ахамият касб этиши жанрлар тизимининг шаклланиши билан чамбарчас боғлик бўлиб, ушбу давр санъати ривожида муҳим ўрин эгаллади. Ўша давр мафкураси ва маданиятининг узига хос жихатлари билан мустахкам алоқада бўлган холда у (портрет жанри) Европа рангтасвириининг реализмидан тортиб. авангарднинг турли окимлари тажриба ва малакасига мосланганлигини узида намойиш этди. Умуман олганда, портрет нафакат мазкур даврнинг муҳим хужжатларидан биригина эмас, балки янги Шаркнинг ғаройиб оламини акс эттирувчи Ўзбекистон рангтасвириининг қатор образли ва услубий қонуниятлари шаклланиши учун хам асосий мезон бўлиб колди.

Бу даврда юзага келган ижодий амалиёт ҳар доим хам муносаб тарзда баҳоланмаганлиги эса ажабланарли эмас. Шунингдек, портрет жанри аввал олиб борилган тадқиқотларда мазкур давр портретлари етарлича ўрганилмаган. А.Умаров биринчи бўлиб бу мавзуни ўрганишни бошлаган. Кейинчалик, санъат ривожига бирмунча эркин қарашларнинг кенгайиши туфайли мазкур даврда портрет жанрида ижод килган рассомлар тўғрисида монографиялар нашр этила бошланди.

---

<sup>18</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 85 б.

Ўтган асрнинг 20 — 30 йиллари Ўзбекистонда рассомларнинг ўзига хос гурухи шаклланди. Хозирги пайтда «Ўрта Осиё авангарди» тушунчасини уларнинг номи билан боялашади. Бу давр Ўзбекистон миллий рангтасвири тарихидаги ёркин сахифалардан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистонда рангтасвир санъатининг шаклланиши ноанъанавий тарзда кечганлиги тарихдан маълум. XX асрнинг 20 - йилларига хос турли йўналишлар, анъаналар ва мактаблар (авангард, импрессионизм, реализм) нинг шиддатли тўқнашуви 30 йилларнинг ўрталарига келиб соцреализмнинг ғоявий босими остида сўнади. Архивда сакланаётган сарғайган сахифалар ўша даврда ижодкорлар кучли назорат остига олингани, катта авлод рассомлари мураккаб шароитда ижод қилганидан гувоҳлик беради. А. Абдуллаев, Л. Абдуллаев, Б. Ҳамдамий, А. Сиддикий, Ш. Ҳасанова каби ёш маҳаллий рассомлар шундай мураккаб тарихий, бадиий жараёнда ижод оламига кириб келишган. Уларнинг устозлари "формалист", "натуралист" ва "декоративист" сифатида қаттиқ танқид остига олинган. Биринчи маҳаллий рассомлар соцреализм ақидалари санъатга зўравонлик билан татбиқ этилаётган пайтда ўз ижодий йўналишларини белгилаб олишган. Зоро, илк маҳаллий рассомларнинг ижодлари ҳамиша хукumat ва халқ назарида бўлган. А. Абдуллаев, Л. Абдуллаев, Ш. Ҳасанованинг ижодий тақдирни омадли кечган. Аммо иккинчи жаҳон уруши Б. Ҳамдамий, А. Сиддикийнинг энди шаклланаётган ижодига раҳна солган. Афсуски, мазкур рассомларнинг аксарият асарларини топиш мушкуллиги туфайли уларнинг ижоди ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган<sup>19</sup>.

Рангтасвир тасвирий санъат шакллари ичida алоҳида ўрин тутади. Машхур рассом Леонардо да Винчи таъбири билан айтганда: «Рангтасвир - тингланмайдиган, балки кўз билан кўриладиган назмдир». Рангтасвир соҳасида буюк ижод намуналари яратилган<sup>20</sup>.

<sup>19</sup> Култашева Н. Тошкентлик биринчи рассом Баҳром Ҳамдамий // SAN'AT. - Тошкент, 01.07.2009. - № 3.

<sup>20</sup> Абдулхақ Абдуллаев. Инсон гўзаллиги // SAN'AT. - Тошкент, 01.07.2009. - № 3.

Рангтасвир усталарининг асарлари ноёбdir. Уларнинг иккинчи нусхаси бўлмайди, шунинг учун ҳам миллионлаб одамлар ҳақиқий тасвирий санъат асарини кўрмагани туфайли уларнинг гўзаллигидан баҳра олмаган бўлиши мумкин. Аммо улар рангтасвир асарларининг нусхаларини кўп томоша қилганлиги аниқ. Ана шундан кўпгина асарлар ҳақида нотўғри тасаввурлар ҳосил бўлиб қолган.

Кишиларнинг қалб кўзи ёшлидан очилмаса, улар картина, портрет, манзара асарларини тушуна олмайди. Улар санъат фидоийлари ва билимдонлари кўмагисиз рангтасвирнинг жаҳон маданиятига, ҳар бир халқнинг маданиятига нечоглик ҳисса кўшганлигини билмайди.

XX аср санъати изланишларнинг турли-туманлиги ва йўналишларининг хаддан зиёдлиги билан изохланади. Реализм ҳақида сўз борганда, бадиий жараённинг белгили хусусияти реализмнинг санъатдаги бошқа услугуб йўналишлари билан кураши хаёлга келади. Социалистик реализм назарияси образли англашнинг чегараланган усулларини тасдиқ этди. Рассом соцреалистик воқеликка мослашиши, хаётий ҳақиқатга факат мафкура нуктаи-назаридан ёндашиши зарур эди. Шунинг учун хаёт ходисаларини шахсий тафаккурдан ўтказиш, шахсиятпарастлик ва ёт фикрлаш деб хисобланар эди. Хозирги шароитда, мафкура хукмронлиги бартараф этилиб, рассом ижодий жараёнга путур етказувчи, бузиб кўювчи ички кўркувдан холи бўлгач, социалистик реализм услубияти хам бархам топди. Аммо, яқиндагина "буюк муваффақиятлар" деб хисобланган бадиий ходисалар ҳақида бугун сукут сақлаб туришимиз мумкинми?

Маданиятнинг байналминаллашувга ундашдан келиб чиқсан салбий оқибатларга қарамасдан, ўша йиллари санъатда миллийликни белгиловчи ўзига хос жараён содир бўлди. Бутуниттифоқ кўргазмаларида миллий мактабларнинг ранг-баранглиги ва алохида рассомларининг ўзига хослиги акс этган асарлар намойиш этилди. М. Саръян, Н. Нариманбеков, И. Қиличев, В. Коржев, А. Айтиев - уларнинг хар бири ўз миллий

мактабининг вакили сифатида кўзга кўринди. Жаҳон санъатининг тарихий тажрибаси ва миллий анъаналарнинг равнақини ўзлаштириш уларнинг муваффақиятини таъминлади.

Ўзбекистон санъати социализм даврида Усто Мўмин, А. Волков, Н. Каракан, Ў. Тансиқбоев, Р. Ахмедов, А. Абдуллаев, Б. Жалол, Ж. Умарбеков, Б. Бобоев, Р. Чориев, Н. Шин, Ч. Ахмаров ва бошқа ўзига хос рассомлар ижоди билан бойиди, аммо улар социалистик мафкура ва қотиб қолган тамойилларга эргашмаган холда хаётни бадиий акс эттиришнинг умумий оқимида ўзларининг эстетик майлларини яратдилар.

Хозирги кунда рассомларимиз бошқа шарт-шароитларда ишлашмоқда. Улар нихоят, белгилаб берилган дастур, фалсафий ва чекланган эстетик кўрсатмалардан холи ва мустақил ижод эркинлигига эришишди. Бу холат эса усталарнинг янги авлодини ижодий тажрибаларга, шаклий изланишларга жалб этди, холбуки бундай хатти-харакатлар аввалги даврда ўткир танқид остига олинар эди. Бироқ таъкидлаш жоизки, мафкура замонасозлиги ўрнига ундан хавфи кам бўлмаган бозорга мослашиш тарзи намоён бўлмоқда. Бу эса баъзан рассомларнинг ижодий ўзига хослигини, бетакрор услубини бир хил қилиб кўяди. Янги санъатнинг бу хусусияти унинг сифат ва услубига сезиларли даражада таъсир қилди. 1990 - йиллар бошида реалистик картиналар иккинчи даражага тушиб, улар ўрнини шаклсиз бўлган рангтасвир эгаллай бошлади. Аммо, 1990 - йиллар ўртасига келиб, икки йўналиш ўртасидаги муносабат суръати бир қанча ўзгара борди. Рассомлар маданий мерос ғояларини ижодий қайта тиклаш зарурияти хақидаги чорловларга қулоқ солгандек, юксак малакали кўникмалар асосида яна реалистик услубларга мурожаат килишди. Аммо миллий ўзига хослик ғоялари соцреализм услубига хос шакллар ва йўналишларда ўз аксини топди. Бу ана шу ўринда соцреализм

анъаналарининг замонавий бадиий жараёнга салбий таъсирини кўрамиз.

Эндиликда уларнинг бир-бирига туташ нуқтасини топиш, тарихий жихатдан узилиб қолган жойларини боғлаш ва бизнинг бугунги, кечаги кунимиз уйғунлашган холда эртанги кунимизга мўлжалланиб асарлар яратиш зарурдир. Ўтмиш тимсоллари ва қадимий асарлари кетидан қувмай, миллий ва жаҳон анъаналарини теран ўзлаштириш, уларни замонавийликнинг тарихий, бадиий-эстетик вазифаларини хисобга олган холда бойитиш ва ривожлантириш Ўзбекистон миллий санъатининг маънавий қадриятларини тиклашда белгиловчи омил бўлиб хизмат қиласади.

Ўзбекистон санъати тарихининг ажралмас бир қисми бўлиб, у ўзида аввалги даврлардан мутлақ фарқ қиласадиган хусусиятлар намойиш этди. Жамиятда содир бўлган кескин ва қарама-қарши жараёнлар янги бадиий шаклларга, янги нафосатга, Ўрта Осиёда хозиргача номаълум бўлган: Европа маданияти андозасидаги театр, дастгоҳли рангтасвир ва графикани олиб келди. Ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда санъатда кескин мафкуравийлик, анъанавий, маънавий ва эстетик қадриятларга нисбатан асоссиз нописанд қарашлар юзага келди. XX асрнинг ақлга сифмаслиги шундан иборатки, асосан, салбий ижтимоий—сиёсий муҳитга ва соцреализм турғунлиги мафкурасига асосланган, унинг буюртмасига биноан бир хилдаги зерикарли асарлар ишланганли Ўзбекистон санъатида миллий маданият хазинасига кирувчи, хақиқий шоҳ асарлар хам дунёга келганлиги маълум бўлди.

## I.2. Илк маҳаллий рассомлар мактаби

Шарқнинг эски санъат шакллари худди Ғарбнинг классик шакллари каби йўқ қилинмайди. Улар кетиб бошқа, янги кун эҳтиёжини қондирадиган шаклларга жой бўшатади. Албатта Шарқ миниатюраси ва ҳалқ амалий санъати мероси нафақат тарихий аҳамиятга эга. Санъатимизга ўтган даврнинг умуминсоний гоялари қадрли, у ўзига миллий бадиий донишманд хазинасидан емак топади. Шарқ миниатюраси Қадимий Рус ва Византия рангтасвири каби, ўхшатиш обьекти бўлиб қолмай, расомлар учун ўрганиш ва магурурлик предмети бўлиб қолади.

Ўзбекистон рассомлари анъаналар билан тарбияланган шаклнинг миллий ҳис-туйгуси билан магурурланадилар. Улар бу “шаклни ҳис қилиш” ўткинчи эканини билишади. Худди Ғарбий Европа замонавий санъати франкларнинг “шакл ҳис-туйгуси” билан қониқмаганидек ва ўрта асрдаги роман ва роман давригача бўлган санъат билан. Ўрта Осиё санъати ҳам ўтган замонда шаклланган шакллари билан қоникмайди. Янги давр янги “шаклни ҳис қилиш”ни яратади ва факат у ўз даври ва ўз вақтини чукур ифодалай олади.

1920-йилларда Ўзбекистонда кўплаб мактаб ва студиялар ташкил этилиб уларнинг атрофига маҳаллий ёшлар ҳам тўплана бошланди Уларнинг кўпчилиги кейинчалик Москва, Петербург, Пенза ва бошқа шаҳарларда олий бадиий билим борасидаги малакаларини ошириб таникли рассомларга айландилар.

Ўзбекистоннинг бадиий ҳаётида, республика рангтасвирининг ривожида рассом, театр безакчиси ва педагог П. Беньковнинг ўрни муҳим.

1928-йилда П. Беньков Ўзбекистонга келади ва Қозондан Самарқандга кўчиб келишга қарор қиласди, у Самарқанднинг манзарасини ёқтириб қолган эди. Рассом 1929-йилда Ўзбекистонга етук рассом бўлиб келди. У

Бухорога йўл олади. Унинг Бухорода ва Хивада яратган этюдлари рангтасвир асарларининг катта циклини ташкил этди. Булар, асосан, жанрли саҳналар, кўчадаги, шаҳардаги манзаралар. Беньков этюдларни натурадан чизишига қарамай, уларга композицион муносабатда бўлган. Кўз олдида пайдо бўлган ажойиб дунёни у ўз полотноларида муҳрлади. Бухоро ва Хива циклидаги картиналар рассомнинг муҳим ижодий муваффакияти эди<sup>21</sup>.

П. Беньков Ўзбекистонга илк бор келганида, 1928-йилда этник типажга эътиборини қаратади ва инсоннинг характери хусусиятларига урғу беради: масалан қуюқ соқолли тожик киши тасвири. Ушбу этюдларда рассом бош кўринишини диққат билан чизади, фигура ва либосни умумлаштириб кўрсатади. Айнан Ўзбекистонда П. Беньков Қозонда яратган рангтасвир портретларининг қуруқ кўринишидан узоклашади ва ўзига хос мўйқалам таъсирчанлигини, кенглигини ўзлаштиради.

П. Беньковнинг Ўзбекистонда яратган илк асарларидан: “Хивадаги сабзавот бозори”, “Ховуз мешкобчилари” ва ”Хужум фабрикаси” асари Самарқанд ип-йигириув фабрикаси ишчи аёлларига бағишланган: ишлаб чиқариш интерьери ва фигураларнинг жойлашиши картиналарнинг цех ичкарисида чизилгандек таассуротини беради. Рассом тайёрлов этюдларисиз, полотнода ўз кузатувларини умумлаштирган. Типажда тасодифлар кўп, улар илк саёз таассуротлардан пайдо бўлади. Рассомнинг бошқа ишларидаги каби бу картиналарида ҳам миллий характер ҳали жиддий тушуниб етилмаган, рассом бунга 30-40-йиллар охирида эришади. Юқорида қайд этилган асарларда рассом Ўзбекистон рангларидаги қуёшлиликни акс эттиради. “Хивадаги сабзавот бозори” мазмуни жиҳатидан этюд, Бухородаги ховуз тасвири эса “Ховуз мешкобчилари” чуқур ўйлаб ишланган рангтасвир композицияси, қуёш нурлари ёриб ўтган барглар ва ховуз плиталарида, сув юзасида акс этган

---

<sup>21</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 67 б

мовий осмон - барчаси ёрқин, эсда қоладиган картинани яратади. П. Беньков одам танаси ҳаракатини жуда яхши хис этади, бироқ уларни кўшиб, деярли импрессионистик услубда талқин этади. Бу кенг ва реалистик жасорат услубни у кейинги бутун давр мобайнида сақлаб қолади<sup>22</sup>.

1930-йиллар бошида Беньков пленэрда тез-тез портретлар, тематик картиналар, этюдлар яратди. У 1932 йилда Ўзбекистоннинг машхур давлат арбоби Йўлдош Охунбобоев портретини чизди, бу асар жуда босик рангтасвир услубида яратилди. Марказий Ижроия Қўмита раиси Й. Охунбобоев ўз иш жойида ишлаб ўтирган ҳолатда тасвиранган. Бу портрет ҳанузгача Йўлдош Охунбобоевни акс эттирган энг яхши рангтасвир асар ҳисобланади<sup>23</sup>.

1930-йилларниг иккинчи ярмида тарихий рангтасвир жанрида яна бир неча асар пайдо бўлди. Уларга қўйидагилар киради: П. Беньковнинг Ўзбекистон Социалистик Республикасининг эълон қилиниши, Ў. Тансиқбоевнинг “1916 йил қўзғолони”, В. Уфимцевнинг “Жанговор режа”, Л. Бурэнинг “Бухоро амирлигидаги катл” асарлари. Бу асарларнинг барчаси 1940 йилда Республика бадиий кўргазмасида намойиш этилган.

П. Беньковнинг “Эълон қилиш” картинаси доимо Ўзбекистон тадқиқотчиларининг эътиборини тортган. Эскизлик билан чекланган биринчи план ечими, бир катор персонажларнинг пластик кўринишидаги маълум фикр айтилмай қолганлик учун Беньковга таъна қилинди. Картинага қараганда шу маълумки, муаллифни авваламбор Ўзбекистон Кенгашининг биринчи таъсис съездиде Иттифоқдош республика сифатида мустакил давлат деб эълон қилиниши сабабли, шодлик мұхитини етказиб бериш вазифаси қизиқтирган. Рангтасвир воситалари ана шу ғояга бўйсунган: бири-бирини тўлдириб турган бўёқларнинг

<sup>22</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 68 б

<sup>23</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 75 б

уйгунлиги ва контрастлиги, қизил ва яшил, пушти ва қуёшранг. Кишилар қарсак чаляпти, ҳаяжонда, харакатда, байрамона воқеа сабабли ўз қувончини ифодалаяпти. Натурадан чизилган персонажларнинг кўпчилиги бир лаҳзалик харакатда кўрсатилган. Статиканинг умуман йўклиги расм характерини белгилаган, полотно эркин, қалин бўёқ билан тўйинган кенг мўйқаламнинг тез-тез урилиши орқали бажарилган.

1930-йилларниг иккинчи ярмида тематик ва портрет рангтасвирининг жадал ривожланиши билан бирга манзарачиларнинг моҳирлиги ҳам анча ошди. Манзара 30-йилларнинг иккинчи ярмидаги бадиий кўргазмаларда машҳурликка эришди. Янги саноат марказларининг ўсиши, социалистик қурилишининг муваффақиятлари, шаҳарларни ободонлаштириш, сугориш каналларининг қурилиши - булар бой материални берди ва индустрисал манзарани ривожлантиришга таъсир этди. Манзарачи рассомлар эски Шарқнинг экзотикасидан замонавий даврнинг жадал ўсишини тасвирлашга ўтишган<sup>24</sup>.

Бу даврда Ўзбекистонда манзара композициясида бошқа рассомлар ҳам ишлашган, улар аниқ ифодалангандан ўз индивидуал ёзувига эга эдилар.

Самарқандлик рассомлар П. Беньков, З. Ковалевская, Р. Тимуров, А. Розиков, М. Қалантаровлар Зарафшон водийсининг ажойиб манзарасида жойлашган музей-шаҳардан камдан-кам чиқишишган. Рассомларга Самарқанд манзараси жуда бой мавзуларни етказиб берган. Агар П. Беньков булутли хавога офтобли пленэрни, ҳатто ток ва баланд ҳовли деворлари билан тўсилган муҳитни афзал кўрган бўлса, Р. Тимуров ёркин, офтоб тушган самарқандча типдаги пленэрга, қиздирадиган ёруглик ва соя кескинлиги уйгунлигига марварид кумушранглар гаммасини ва офтобсиз кунларнинг яримрангли гўзаллигини кўйганлар<sup>25</sup>.

П. Беньковнинг “Қаҳрамон билан учрашув” асари Республика кўргазмасида (1938 й.) намойиш этилди ва муҳим ўрин тутди, юқори

<sup>24</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 98 6

<sup>25</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 97-98 6

профессионаллик даражаси ва тавсифларнинг тўғридан-тўғрилиги билан ажралиб турди. Кўргазмани муҳокама қилишда Беньков хақида кўплаб гаплар айтилган, унинг рангтасвири ҳаддан ташқари эскизлилиги таъна қилинди. Муҳокамада сўзга чиқкан П. Беньков композиция ечимларининг турли хиллигини ёқлаб чиқди.

П. Беньков полотноларида уруш давридаги Самарқанд мавзули-жанрларда, портрет ва манзара жанрларида акс этган. 40-йиллар бошида П. Беньков ижоди юқори чўққига қўтарилди. У портрет, манзара, мавзули композицияларда ҳар кунги кузатувлари натижасини ва ҳис-туйғуни муваффакиятли тасвирлади.

Шунингдек у фронт ва фронт орти мавзуларида ҳам картиналар яратди: “Қаҳрамон билан учрашув” (1942-1945), “Янги оиласа” (1942), “Дугоналар”, “Аскарга совға”, “Қаҳрамон билан учрашув” асарининг мавзусини ёритиш фикри рассом ижодида илк ўзбек қаҳрамонлари пайдо бўлгандан сўнг пайдо бўлди. Беньковнинг ўткир кузатувлари, фигуранинг характеристи ва ҳаракатини мўлжалга олиб тасвирлаш хусусияти шу асарда намоён бўлди. Аммо бу картинада рассом барчасига эришмаган, бу мураккаб қўпфигурали композиция рангларда бир оз етиштирилмаган.

Ранглар ечими бутун бўлган бошқа бир асар, бу - ўз ўлчами бўйича маҳобатли “Қаҳрамоннинг онаси” асари. Ушбу картинада қизил-кора-кулранг ранглар уйғулигига мавзунинг фожиавий кучи сезилади. Қаҳрамон аёл юзида уруш вақтининг қаттиқ таъсири, энг яқин одами учун қайғуриши ва хавфсираши, унинг сабрлилиги юз ифодасида акс этган.

Ўзбек ва рус халқларининг дўстлиги, интернационал қардошлиқ мавзуси П. Беньковнинг “Янги оиласа” асарида тасвирланди. Яшил дарахтлар соя солиб турган ҳовлида ёш ўзбек қиз уруш оқибатида етим бўлиб қолган кичкина рус қизчага кўлинни узатиб турибди. Ушбу композицияда бошқа кўплаб манзарали пленер ишларидагидек рангларга эътибор қилинган – мовий-кулранг, кумушранг, ёруғ ҳаво

перспективасини беради. Беньковнинг ўзбек миллий характерини яхши билиши “Дугоналар” асарида кўринди. Аскарга совға учун кашта тикаётган иккита қиз рассомнинг ғалабага бўлган ишончини гавдалантиради. “Ўлкамизда баҳор” асрида рассом ярадор жангчининг урушдан қайтиб келган ҳолатини тасвирлайди, бу сафар рус оиласидаги воқеа, баҳорги гуллаётган боғ тасвири асарни янада мустаҳкам қилиб кўрсатган<sup>26</sup>.

Уруш даврида рассом кўплаб портретларни яратди, улар орасида энг яхши ишланганларидан рассом дўсти ва шогирди З. Ковалевская ва режиссёр Алябьев портретлари. Рассомнинг уруш даврида яратилган дурдона асарлари Самарқанд табиатининг ўзгачалигини ва даврга хос белгиларни нозиклик билан етказиб беради.

А. Волков М. Врубелнинг анъаналари изидан бориб француз кубистлари тажрибасини ўзлаштириди. У адабиётдан мустақил, соғ рангтасвирни излаш билан машғул бўлди. Санъатшунос ва танқидчиларнинг фикрича Волков такрорланмас рангтасвир тузилишини, ўзига хос ритмикани ва Шарқнинг бой гўзаллигини XX асрнинг биринчи чорагидаги “Париж мактаби” услублари билан уйғунлаштиришга интилди.

А. Волков унумли ижод этди. 1920 – 1921 - йилларда Тошкентда, 1923-йилда Тошкентда ва Москвада унинг кўргазмалари бўлиб ўтди. Москвада ўтказилган кўргазмада қўйилган асарларида Врубель, Пикассо ва Матисснинг ижодий тажрибаси кўринди. У Ўрта Осиё одамларини ва табиатини тўғридан-тўғри ўзига хослиги билан қабул қилди<sup>27</sup>.

А. Волковнинг кучли жиҳати - бу ранг. Дастребки асарларида унинг рангтасвири (1916-1923) очик, тўйинган бўёқлар рангларини кескин солиштириш билан ажралиб туради. Масалан: эскиз “Туялар қўнғироқларининг жарангি”, у керамика мозаикаси учун тайёрланаётган

<sup>26</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 147 – 148 б

<sup>27</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 61 б

иш тасавурини беради. А. Волков 20 йилларнинг бошида маҳобатли композицияга интилди. Аммо у ўз фикрларини деворга тушира олмади. Унинг маҳобатли санъатдаги барча тажрибалари дастгоҳли рангтасвир материаллари ва рамкалар билан чекланган, унинг маҳобатли ишларни бошлаш истеъоди портретларда, сюжетли композицияларда ва натюрмортларда кўринди.

А. Волковнинг Москвада намойиш этилган кўргазмасига танқидчилар яхши муносабатда бўлишди. “Правда” газетаси ва “Огонёк”, “Искусство и промышленность” журналарида рассомнинг истеъоди, Шарқقا бўлган муҳаббати тўғрисида мақолалар чоп этилган, шу билан бирга рассомга Париж мактаби услубидан воз кечиб, ўзини Шарқда ва Шарқни ўзида топишига истак билдиришган.

А. Волковнинг таржимаи ҳолидан шу маълумки, у 1916 йилдан 1928 йилгача яратган картиналарида асосий мавзу - чойхоналар, туялар карвони, эски шаҳар кабилар бўлган. Бундай сюжетлар рассом томонидан кубистик ва экспрессионистик оқимда ишланган, айрим асарларида у реалистик санъат билан узилиш чегарасида турган. Вақт ўтиши билан, 20 йиллар охирига келиб унинг асарларига инсон образи ҳукмрон бўлиб кириб келди. Масалан: “Қўшиқчилар” картинаси. (Ўзбекистон санъат музейи).

А. Волков кубизмга ва рус санамларига бўлган қизиқишини ўзининг “Анорли чойхона асарида якунлайди (1924), ушбу асар жуда машхур бўлган. 1967 - йил охири 1968 - йил бошида бу асар Парижда ташкил этилган рус санъати кўргазмасида намойиш этилди, Париж телевидениясида ва матбуотда кенг ёритилди. Картина рамзий ва мазмунли, унда образли тизимдаги ва колоритдаги ижодий экстаз ҳолати сезилади. У рассомнинг формал композицион ҳисоб-китоби ва услубий аралашмаси синтези сифатида қабул қилинади. Колорити-тўйинган қизил ранглар тизими, ёргулик ва рангнинг мураккаб градацияси ушбу полотнода моҳирлик билан ишланган. Картинаниг анор ранги А. Волков

фикри бўйича Ўзбекистонга тегишлилигининг миллий рамзи. Рассомнинг ижодий дастури шу асарда ёрқин акс этган, у инқилобий талаблардан йироқ эди.

“Анорли чойхона” асаридан кейинги “Мусиқачилар” ва “Қўшиқчилар” экспрессионистик серияларида А. Волков ўзбек миллий рақсининг ва ўзбек ашулачилиги услубининг ўзига хос ритмик ҳаракатларини етказиб беришга ҳаракат қилган. У ифодавийликка эришиш учун пластик шаклларни бўрттириб кўрсатади<sup>28</sup>.

Шунингдек, А. Волков каби Ўрта Осиёning қадимий маданиятига, бой ҳалқ санъатига муҳаббат қўйган, тасвирий санъатнинг яна бир моҳир устаси Усто Мўмин. У реалистик расм асосларини Н. Фешиннинг шогирди Н. Евлампиевдан ўзлаштирган. Усто Мўмин ўз ижодий фаолиятининг бошланишидан бир қанча вақт Каземир Малевич қўлида ўқиди, жаҳон ва рус санъатининг классик мероси анъаналарига эргашди. Бутун ижоди давомида реалистик расмнинг аниқлигига ва тугалланганига интилди. Усто Мўмин график-рассом эди ва темпера рангтасвирида ижод килди. У ёруғлик соясига яхши ишлов берган. Ажойиб рассом Николаев ўзи учун эстетик-образли тасвирнинг муҳим воситаси бўлган оҳангли чизикларнинг ҳақиқий шоири эди.

Александр Волков бозори, чойхонаси, карvonлари билан афсонавий бўлган Шарқдан илк колхозлар ва социалистик қурилишлар сюжетини ўз ичига олган янги мавзуга, янги Шарққа ўтади. Рассом янги-мехнаткаш кишининг умумлашган образини яратишга ҳаракат килди. Аммо бу умумлаштириш натурани чукур ўрганишда ҳар доим ҳам асосланмасди. Масалан, “Йўлсизлик ҳужуми” (1931 й.) асарида кенг ҳалқ қурилишини ва унинг жадаллигини томошабинга етказиб беради. Бироқ қурувчилар бу ерда психологик жихатдан эмас, балки бир хил кўринишда талқин этилган. “Қизил карvon” (1932 й.) асарида эса биз умуман бошқача тасвирни кўрамиз. Ёш колхозчилар ашулалар айтиб, қўнғироқчалар

---

<sup>28</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 62-6

жаранги остида яхши ниятлар билан биринчи пахта конвой тайёрлов пунктига кузатиб қўйишмоқда. Бу рангтасвир асарида байрам мавзуси, халқ шодлиги рангтасвир бўёклари шаклида, тўйинган колоритда оч-сариқ ранглар уйғунлигига, оч-сариқ ва кўк-мовий ранглар, ҳамда либослардаги, манзарадаги яшил ва қизил ранглар чатишуvida сезилади<sup>29</sup>.

“Пахта билан қизлар” асари фронтал жойлашган, кўкраккача кўринишдаги портретда томошабинга қараб турган “оқ олтин” терувчи учта колхозчи қиз тасвирланган. Бу ерда А. Волков 30 - йиллардаги асарларидаги каби деформация билан чекланган экспрессиядан воз кечган. У реал прототипли жонли шахсларни индивидуал кўринишнинг аниқ ифодаси ва психологик тузилишини тасвирлайди. А. Волков моддийликни етказиб беришда ажойиб моҳирликка эришди, маълум даражада натурадан узоклашади. Бу ерда рассомнинг инсон ва табиатни реалистик ўрганиб тасвирлашдаги кескин бурилиши намоён бўлди.

Танқидчилар томонидан Усто Мўмин ишлари ҳам таҳлил этилган. У ҳам А. Волков сингари мутасаввуф тасаввурдан озод бўлиб замонавийликка мурожаат қилган. Унинг “Оқ олтин” картинаси бой ва мусулмон диндорлари ҳоҳишига кўра қора меҳнатни эмас, балки эркин меҳнатни тасвирлайди. Усто Мўмин тасвирлаган образлар кўриниш, ҳаракат ва бурилишнинг нағислиги, пропорциянинг гўзаллиги ва олийжаноблиги билан ажралиб турди. Айниқса композиция марказида жойлашган типик ўзбек дехқонининг очиқ чехраси ва йирик гавда тузилиши ифодали акс этган. Рассомнинг рангтасвирида чизикларнинг сузувлчан ҳаракати, жонли контурлар, худди буюк флоренциялик рассомлар ишларидаги каби кўзга ташланади. “Оқ олтин” асарида кумушранг. Аммо у расм қадр-қиммати билан ёпилиб турди<sup>30</sup>.

<sup>29</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 75 б

<sup>30</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 80 б

1930-йилларнинг иккинчи ярмида тематик ва портрет рангтасвирининг жадал ривожланиши билан бирга манзарачиларнинг моҳирлиги ҳам анча ошди. Манзара 30-йилларнинг иккинчи ярмидаги бадиий кўргазмаларда машҳурликка эришди. Янги саноат марказларининг ўсиши, социалистик қурилишининг муваффақиятлари, шаҳарларни ободонлаштириш, сугориш каналларининг қурилиши-булар бой материални берди ва индустрисал манзарани ривожлантиришга таъсир этди. Манзарачи рассомлар эски Шарқнинг экзотикасидан замонавий даврнинг жадал ўсишини тасвирлашга жон деб ўтишган.

А. Волков манзара жанрида 1930-йилларнинг иккинчи ярмида асарлар яратди. Бу ”Момақалдироқ олдидан“ картинаси эди. Асада ёз куни Фаргона қишлокларидан биридаги момақалдироқ бошланишидан олдинги ҳолат тасвирланган. Ранглар нафис, умумлаштирилган рангтасвирили-образлар маҳорат билан яратилган. Жанрли характер манзарага момақалдироқдан қочаётган болаларнинг фигурасини олиб кирган. Бу асар А. Волковнинг энг яхши реалистик асарларидан бири, у испан республикачиларига багишлиланган кўп фигурали катта композиция яратишида муваффақиятсизликка учраб, портрет ва манзара жанри доирасида деярли ёпилиб қолди.

II Жаҳон уруши даврида А. Волков асарларининг гоявий мазмуни чукурлашди. Урушдан олдин рассом пленэрда манзарани, натура портретларда кишиларни тасвирлаган. 20-йилларда у таассуротига ва хотирасига суюниб ишлаган, унинг кейинги ижодий услубидаги ривожланиш рассомчиликнинг умумий вазифалари билан тушунтирилади: моҳирликни такомиллаштириш зарурияти, юксак бадиий санъат асарларини яратиш. Уруш даврида А. Волков “Ҳосилдорлик Кенгashi” картинасини ёзди, “Махсулот шаҳарга”, “Пахта терими”, “Денгиз пиёдалари” бадиий кўргазмада “Иккинчи Жаҳон урушининг иккинчи йили”, А. Волков Мавзувий композицияларидан колхоз фаолларининг йигилишини тасвирлайди. Картинада рассом ҳаётда

кузатган алоҳида персонажлар характерини умумлаштирган, ранглар ечими жуда яхши ҳал этилган: қизил ва қўнғир ранглар. Айрим жойларида натура билан алоқа етарлича эмас, бу шундан билинадики, асарнинг кўп қаҳрамонлари маълум одамлар жонли ҳакиқатдан олинган<sup>31</sup>.

Замонавий ўзбек рангтасвири хусусиятларига очик, ёркин рангларга иштиёқ, безак чизиқларининг оҳангигина эмас, балки ҳалқ ҳаётини чукур англаб етиш, унинг характерли жиҳатларини, эстетик табиатини очиб бериш ҳам киради. Замонавий ўзбек рангтасвирининг барча хусусиятлари унинг шаклларининг поэтикасида, қайсики мазмуни ўзбек табиати, инсоннинг қизиқиши дунёси ва ҳис-туйғуларида сезилади.

---

<sup>31</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 151 б

## **II БОБ. Илк махаллий рассомларнинг ижоди**

### **II.1.1930-йилларда рассомлар ижодининг шаклланиши**

Ўтган асрнинг 30-йиларида Ўзбекистонда Тошкент ва Самарқанд бадиий мактаблари мавжуд бўлиб, бу мактабларда кўплаб махаллий рассомлар таълим олганлар. Самарқанддаги иккита ижодий гурухнинг энг кўзга кўринган вакиллари П. Беньков, З. Ковалевская, Е. Коравай ва В. Еремянлар эди.

П. Беньков ўзининг олдинги йўлидан бориб, пленердан олган материалларни ўрганиб, умумлаштириш асосида картина ва манзараларни яратди. Рассом жанрли ва манзарали композицияларни тез-тез тўғридан-тўғри натурадан ишлар эди. Бу услубни унинг шогирдлари Л. Абдуллаев, Р. Тимуров, А. Розиков, А. Абдуллаевлар ўзлаштириб олишган. 1935-йилги кўргазмада Самарқандлик рассомлардан П. Беньков ва унинг шогирдларидан ташкари Е. Коравой, Г. Никитин, В. Еремянларнинг асарлари кўйилди<sup>32</sup>.

Шу йилларда Самарқанддаги П. Беньков мактаби катта аҳамият касб этди. Беньковнинг шогирдлари - З. Ковалевская, Л. Абдуллаев, Р. Тимуровлар моҳир усталар бўлиб етишишиди.

1930-йиллар охирига келиб истеъододли жанрчи ва портретчи Лутфулла Абдуллаев ўзининг ижодий етуклик босқичига қадам қўйди. У Самарқанд рассомчилик билим юртини тамомлади, у ерда П. Беньков, Л. Бурэ, З. Ковалевскаялардан сабоқ олди. 1938-йилда Абдуллаев ўзбек классик кўшиклари ижрочиси, Ўзбекистон халқ ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмухаммедовнинг портретини натурадан ёзди. Портретда шогирдга хос кўркоқлиги ва сиқилишидан из ҳам йўқ эди. Рассом мойбўёқ

---

<sup>32</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 81 б

воситалари ва имкониятларини ўзлаштирган истеъдодли рассом эканини кўрсатди.

Замонавийликка қизикиш, уни рангтасвирида ифодалаш П. Беньковнинг бутун ижодий йўлига хос. Бу рассомнинг “Дугоналар” картинасида акс этди. Ушбу картина илк бор 1940-йилда Тошкентда бўлиб ўтган бадиий кўргазмада намойиш этилди. Бу катта ўлчамли полотнода иккита дугона, ўзбек ва рус қизи натурадагидек тасвирланган. П. Беньков ўзининг кўп йиллик пленэрига хулоса ясагандек. У рангтасвирининг қийин масаласини олдига қўйди ва уни ҳал қилди, тарқалган офтоб нури ёруғлигидаги фигуralар тасвири (ток барглари орасидан ёриб ўтган нурлар). Рассом офтоб ёруғлиги яшил, мовий, кумуш оқимининг ток шохлари орасидан кўп маротаба синиб ўтишининг мафтункорлигини узатибгина қолмай, колористик ва ёруғлик сояси мураккаб ечимини топди, одам фигурасини тузишда пластик аникликни ва персонажлар ифодалилигига индивидуалликни йўқотмади.

1938-йилда Ўзбекистон рассомлари уюшмаси томонидан эълон қилинган мавзули картинанинг энг яхши эскизи танловида П. Беньков ўзининг “Қаҳрамон билан учрашув” асари билан қатнашди ва биринчи мукофотга сазовор бўлди, 2-мукофотга Л. Абдуллаевнинг “Ёш шоирнида меҳмонда” асари эскизи сазовор бўлган, В. Уфимцев эса “Октябрь” асари эскизи учун мукофотланган.

1930-йилларнинг охирида ўзбек тасвирий санъатида Б.Хамдамий, Л. Абдуллаев, Р. Тимуров, А. Абдуллаевлар ёнида истеъдодли ёш портретчилардан: Л. Насреддинов, Х. Рахимовлар ижодини бошлиди. Аммо уларнинг иккиси ҳам афсуски, ўз ижодий хислатларини кенг ёйиб улгуришмади, П. Жаҳон уруши пайтида ҳалок бўлишди. Латиф Насреддинов ва Ҳаким Рахимов Тошкент рассомчилик билим ютида А. Волковдан таҳсил олишган. Ҳозирда Ўзбектон Давлат санъат музейида сақланаётган Л. Насреддиновнинг рангтасвир портретлари унга реалистик моҳирликнинг асосини яхши ўзлаштирган рассом тавсифини беради. У

натурадан ўз таассуротини етказиб беришга уста бўлган, бўёқларнинг зич, қалин юргизилишини қадрлаган. Бу сўзлар Н. Кашинанинг тақризида ёзилган, 1940 йилги Республика кўргазмасида жумладан Л. Насреддиновнинг “Хамраева портрети” асари ижобий баҳога сазовор бўлган.<sup>33</sup>.

II Жаҳон уруши кунларида Республиkaning бадий ҳаёти Тошкентда ва Самарқандда жамланди. 1941-1943-йилларда Самарқанд бадий ва илмий-санъат марказига айланди, чунки бу даврда Самарқандда Бутун Россия Бадий Академияси жойлашган эди. (Ҳозирги И. Е. Репин номидаги Ленинград рассомчилик, ҳайкалтарошлиқ ва архитектура институти), Москва рассомчилик институти (ҳозирги В. И. Суриков институти), Киев ва Харьков рассомчилик институтлари ва машҳур рассомлар ва санъаткорларнинг анчаси. Уруш йилларининг қаҳрли шароитида кейинчалик санъатнинг машҳур усталари бўлиб етишган талабалар бу ерда академик тайёргарликни ўташди, диплом ишларини яратиши. Самарқандлик рассомлар жамоаси йирик рассомлар, графиклар, санъатшунослар билан мулоқотда ўз ижодий тажрибасини ошириши.

Уруш натижасида вужудга келган иқтисодий ва ташкилий қийинчиликларга қарамай, ҳамда кўплаб графиклар ва рассомлар армия сафига кетишганига қарамасдан, Ўзбекистондаги бадий ҳаёт 1941-1945 йилларда фаол ва кучли эди. Урушнинг тўрт йили давомида Тошкентда 25 та бадий кўргазма очилган, ҳарбий касалхонадагиларни, корхонадагиларни, клублар ва ҳарбий қисмлардагини ҳисобга олмаганда. Бу вактда Самарқандда маҳаллий рассомларнинг гуруҳли ва шахсий кўргазмалари, ҳамда москвалик ва ленинградлик рассомлар кўргазмалари кенг ёйилди. Тошкентдаги йирик кўргазмалар: “Ватанни жасурларча ҳимоя қилиш”, “Ватан урушининг икки йили”(1943 й.), Октябрнинг 25 йиллигига багишланган Республика юбилей кўргазмаси (1943),

---

<sup>33</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 99 б

“Ўзбекистон Улуг Ватан урушида” (1944й), “Ўзбекистон санъати 20 йил ичида” (1945).

Бу қўргазмаларда фаол чикқан рассомлар: Ўрол Тансиқбоев, П. Беньков, З. Ковалевская, В. Уфимцев, Л. Абдуллаев, А. Волков, О. Татевосян, А. Абдуллаев, Б. Жуков, В. Рождественский, Н. Кашина, М. Аринин, М. Набиев, Н. Каракан, И. Ужинскийлар ва айрим москвалик, ленинградлик, киевлик рассомлар.

Графика ва рангтасвир ижодида Л.Абдуллаевнинг ўрни бор. Ўзбекистон халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев 1912 йил 21 декабрда Мирзачўлда хизматчи оиласида дунёга келган. Оилада 8 фарзанд: 6 ўғил, 2 қиз бўлиб, тўнғич фарзанд еди. Мактаб ёшига етганда эски шахарга кўчиб ўтишади. Болалигидан тасвирий санъатга қизиққан Лутфулла Абдуллаев бадиий мактаб кўрмаган бўлсада эскизлар, нафис суратлар чизар эди.

1930 – 1935-йилларда Самарқанддаги бадиий академияда Павел Бенков раҳбарлигига таҳсил олади<sup>34</sup>. Лутфулла Абдуллаев портрет, манзара, тарихий ҳамда майший жанрларда самарали ижод қилган. Унинг манзара жанридаги кўпгина асарлари ўзи туғилган гўзал замин Мирзачўлда, Хумсон, Бўстонлиқ, Оқтош ҳамда Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шахарларда ишланган. Рассом II Жаҳон уруши йилларида ҳам унумли ижод қилган. Уруш бошлангандан сўнг санъат арбоблари фронтга жўнатилмаган. Улар хатто шундай даврларда ҳам санъатнинг йўқолиб кетмаслиги, ривожланиши учун ҳам брон билан олиб қолинган. Унинг “ташвиқот плакатлари” билан фронт ортида бўлса ҳам аскарлар руҳиятини кутариб, қайсиdir маънода ғалабага ўз ҳиссаларини қўшганлар.

1950 йилда “Ўзбекистон халқ рассоми” унвонига эга бўлди. Лутфулла Абдуллаев тарихий сиймоларни тасвирлашда факатгина тарихий

---

<sup>34</sup> Тасвирий санъат ҳакида сухбатлар. Тошкент – 1965 й

манбаларнинг маълумотларига таяниб қолмай, ўз устахонасида ўша давр муҳитини яратишга ҳаракат қиласди. Масалан унинг Навоий портретини олайлик: Навоийнинг либослари жумладан: тўн, саллаларни тикириб, б қиррали маҳсус хонтахта хам тайёрланган. Бу эса асарни табиий ва ишонарли чиқишига хизмат қилган десак муболага бўлмайди.

Лутфулла Абдуллаевнинг асарлари долзарб, мазмунли, гоявий ва мураккаб сюжетли, жонли ва ёрқин образларга бой. "Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов портрети" (1938), "Қаҳрамонни кутиб олиш" (1947), "Дўстларнинг учрашуви" (1961) ва бошқа ҳажвий карикатуралари "Муштум" журналида мунтазам босилган. 15 дан ортиқ китобларни бадиий безади. Рассом фақат тасвирий санъат асарларини яратиш билан чегараланиб қолмай бадиий фильмлар учун либос эскизларини тайёрлаган<sup>35</sup>.

Абдулла Қодирийнинг "Мехробдан чаён" тарихий романи (1961, рус тилида), "Ўткан кунлар" романи, Ойбекнинг "Болалик" (1963), Ғофур Ўломнинг "Шум бола" (1964) қиссалари, "Осиё устида бўрон" ва бошқа бир қатор фильмларда унинг эскизлари асосида либослар яратилган. Барчамиз ҳозиргача севиб қўрадиган Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романида ўзбекона миллий либослар мохирона ишланганига шубҳа йўқ. "Навоий театри курилишида", 40-йиллар, "Менинг замондошларим — адабиёт ва санъат арбоблари" — гурух портретлари, (1989) хам тақсинга сазовор. Асарлари халқаро кўргазмаларда намойиш этилган.

1995 йилда Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати бўлди. 1999 йилда эса "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланган. 2000 йил декабрда Тошкент шаҳрида вафот этган. У ўзининг ижодида (акварель, гуашь, тушь) бўёқ материаллардан фойдаланади, унинг график йўналишида рассом услуби бор.

---

<sup>35</sup> Изобразительное искусство Советского Узбекистана. Ташкент-1957. 148-6

Л.Абдуллаевнинг қаламига мансуб график варакларида унинг ранг тасвир полотнолар расмлари туркумлари акс этади<sup>36</sup>.

II Жаҳон уруши даврида Абдулхақ Абдуллаевнинг моҳирлиги шаклланади. У 1938 - йилда Москва рассомлик институтига ўқишига киради. Аммо уруш бошланиши билан Тошкентга қайтиб мустақил ишлай бошлади. Шаҳар ва қишлоқларда меҳнат фронти қаҳрамонлари портретларини чизди. Композиция ечимининг ўткирлиги ва хилма-хиллиги билан асарлари фарқ қилиб турган. (Замира Муталова, Рафтапуло). Инсонга қизиқиш, унинг характерини ҳис қилиб ўрганиш ва етказиб бериш, индивидуал жиҳатларини очиб бериш рассомнинг кўплаб портретларида ёритилди. Аммо кўплаб портретлар жуда қисқа муддатларда ишланган, модел ўрганилмаган. Шуниси муҳимки рассом турли хил композицион ечимга интилди, индивидуалликни ифодалашга ҳаракат қилди<sup>37</sup>.

Ўзбекистонда, Тошкент театр ва рассомчилик институтида, Тошкент ва Самарқанд рассомлик бадиий билим юртида кўплаб машҳур рассомлар таълим олишди ва ўз навбатида ўсиб келаётган ёш авлодларга устозлик қилишди. Рус рассомлари иштирокида ва рус реалистик санъати тажрибасига суюниб, истеъдодли ўзбек ёшлари жаҳон бадиий маданияти хазинасига тўғри кириб боришли. Улар учун рус санъати ўтмишидан мерос қолган маънавий бойликлар очилди.

А. Волков жамоасининг дастури маҳсус адабиётда ёритилди, шунингдек, 1930 йиллардаги Тошкент ва Москва даврий нашрларида чоп этилди. 1930 йилларнинг биринчи ярмидаги А. Волков санъатининг алоҳида томонлари қуидагилардан иборат эди: Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё миниатюра анъаналарини Ўрта Осиё санъати ва Ғарб постимпрессионистлари тажрибаси билан уйғунлаштиришга, тасвир устидан рангнинг устунлигига интилиш, анатомияни жиддий ўрганиш

<sup>36</sup> Тасвирий санъат ҳақида сұхбатлар. Тошкент – 1965 й

<sup>37</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 152-6

асосида одам гавдасини тасвирилашда классик, ренессанс ва академик анъаналардан воз кечиш. А. Волков бригадаси таркибиға кирган рассомлар ҳар доим ҳам устози билан бирга қадам ташлашмаган<sup>38</sup>.

1935 йилда Тошкент марказий хиёбонини байрамона безатиш учун лойиҳалар танлашда тақдим этилган олтита лойиҳадан А. Волков жамоаси яратган лойиҳа энг яхши деб топилган<sup>39</sup>. Шахсий ижодида у атрофу-оламни янада сезгирилик билан англаб етишга очиқласига яқинлашди, аммо у ўз одатий услуби билан натура материалини таҳлил қиласарди. У холстда бўёкли ҳажмдан тузилган, умумлаштирилган, ҳатто геометрлаштирилган, натура аниқлиги ва тўғридан-тўғрилигидан тозалангандан янги буюм муҳитини яратган. Шу муносабатда А. Волков П. Беньковга умуман зид эди. Беньков ўз картиналарини натурани ўзлаштириш орқали яратган, аммо натурализмсиз, ҳаётий ишончли тарзда.

Шу мазмунда ўзига хос бўлган, 1935-йилда қўргазмага қўйилган А. Волковнинг “Эксаваторларни йиғиш” асари, бунда одамлар жонсиз буюмлар каби, худди уларни техника бошқараётганидек кўринишда талқин этилган. Сюжет оддий ва ўзига тортмайди: тушлик пайтида дастурхон атрофида ўтирган аёллар хушмуомала ва чарчаган ҳолда, жилмайиб, кўринмас сухбатдошни меҳмонга таклиф қилаётгандек. Аёллар юз кўриниши ажойиб тасвириланган-индивидуаллаштирилган, типик-миллий, очиқ кўнгилли, содда, табиат кўйнидаги соғлом меҳнат ортидан ортирилган гўзаллик акс этади. Ушбу картина нинг таассурот кучи шундаки, персонажлар ҳаётда кўрилган, ижодий тафаккурда қолган, майда-чуйда аниқликлардан озод. Нотўғри фикрга асосланмаган жонли натурага, тасвириланаётган шахсларга муносабат натижасида А. Волков ҳақиқий бадиий умумийликка эришди. Аксинча, натурадан узилиб яратган асарларида формал воситалар жонли, образли бошланишни тўсиб

<sup>38</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 84 б

<sup>39</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 86 б

қўйган. “Шохимардонда туш пайти” асари мажорли ва оҳангли бўёқлар билан ишланган. Улар кўп эмас: кўк ва жигарранг (кўйлаклар), қизил ва сариқ (рўмоллар), зич тўқ-яшил (қайрагоч), қуёшранг (офтобда қизиган лойбетон уй). Бўёқлар қалин ва ишончли юргизилган. Биринчи планда соф оҳангли ранглар, юпка сурилган, тўрда-қизил қатлам қалинлашиб, ок ранг кўшилган. Колоритда рус санамнавислик ёзуви техникаси билан таниш эканлиги сезилиб туради.

Матбуотнинг энг юқори баҳосига сазовор бўлган асарлар, бу Н.Караҳан, А. Волков, Усто-Мўмин, М. Курзин, П. Бенъков асарлари. Шунингдек график асарлардан Ч. Ахмаров, В. Еремян, С. Малт, Л. Бурэ асарлари ҳам таъкидлаб ўтилган. Газета ва журналларда ёш ўзбек рангтасвирчи рассомларнинг муваффақиятлари таъкидланган: Б. Хамдамий, А. Тошкенбоев, Л. Абдуллаев, А. Сиддикий. Такризчилар кўйилган ишларнинг юқори профессионал даражасини кўрсатиб ўтишган. Ахборот ва такризлар саҳифаларидан қуйидаги сўзлар ўрин олди: “Бўёқлар шоирлари”, “Истеъодли рангшунослар”, “Бўёқларнинг галаёни”. Танқидчи И. Надеждин шундай ёзган: “Бу москвалик рассомлар учун ибрат бўлган тўлақонли ва тўла хуқуқли кўргазма”. Кўргазма муваффақияти шуни кўрсатдики, ўзбек рангтасвирчиларининг бешта асарлари энг яхши асарлари сифатида 1934 йилда Москвадан Филадельфияга бадиий кўргазмада кўйиш учун юборилган. Улар ичига Ўрол Тансикбоевнинг “Ўзбек колхозчисининг портрети”, А. Волковнинг “Шохимардон тонги”, Н. Карабаннинг “Курилиш” асарлари кирган. 1934 йилги кўргазмада А. Волков ўзининг янги, колхоз ва индустрия мавзусидаги серияли полотнолари билан қатнашди. Шунингдек эски ишларидан “Анорли чойхона” (1924 й.) асарини ҳам намойиш этди. Ушбу асаридан 30-йиллар бошидаги ҳақиқатни тасвирловчи реалистик полотноларигача рассом узок йўлни босиб ўтди. Рассом ҳаётда содир бўлаётган жадал ўзгаришларга мурожаат қилиб, курилиш саноати ва пахтачилик мавзуларини ёритди. У ўзи учун одатий бўлиб қолган,

кубистик ва супрематик услублардан: чойхона, карвон, романтик тоғ этаги мавзуларидан узилди ва ҳақиқатга яқинлашди. Масалан: “Пахта күтариб кетаётган қизлар”, “Йўлсизлик ҳужуми”, “Колхозчи” ва бошқа картиналар<sup>40</sup>.

1934- йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган кўргазмада намойиш этилган ёш ўзбек рассомларининг ишлари орасида Бахром Хамдамийнинг асарлари танқид остига олинди. Бу, шубҳасиз, юксак истеъодли, ўзи ўқиб ўрганган ёш рассом, ўзбек рангтасвирчисининг ҳаёт йўли афсуски қисқа бўлди, у ўзини мўйқаламнинг ҳақиқий шоири сифатида кўрсатди. Эски Тошкентда натурадан манзара чизувчилар гурухи вакили рассом М. Новиков ўз ижод йўлиниң бошланишини эслаб, Хамдамий унда қандай таассурот қолдирганини гапириб берган. Шундан сўнг, Хамдамий ҳеч қандай бурилишсиз рассом бўлишга аҳд қилди ва Тошкент рассомчилик техникумидаги ўқиши орқали, Ўрол Тансикбоев ва бошқа ўзбек рассомларининг ўртоқларча ёрдами туфайли ўз мақсадига эришди. “Чойхонадаги оқшом” картинаси (Москва кўргазмасидан Шарқ маданияти музеийига олиб кетилган) ёш Хамдамийнинг ўткир истеъодини очиб берди. Картина рангларнинг мутаносиб яхлитлиги, психологик ва экспрессияси билан ажralиб туради.

1934-йилда ўтказилган Москва кўргазмасида А. Сиддиқий “Автопортрети” ва “Тўй” картиналари билан катнашди. “Тўй” картинасининг композицияси санамнавислик тамойилида яратилган, яъни марказдаги асосий тасвир атрофида алоҳида саҳналар жойлашган-клеймо. Шунга ўхшаш композициянинг эскиз ва расмларини Усто Мўмин ижодида ҳам учратамиз, балки Сиддиқий унинг шогирди бўлгандир. Аммо Сиддиқийнинг ҳажмдорликка интилиши санамнавислик ва Шарқ миниатюрасига қизиқишига зид туради. “Тўй” асарининг рангтасвир услуби, эски ўзбек тўй маросими тўғрисида ҳикоя қиласиган

---

<sup>40</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 77 б

намойишкорона кўриниши ва иллюстрацияларга бойлиги Нико Пирсамишвили услуби билан яқинлаштиради.

Москва кўргазмасида намойиш этилган “Болани чўмилтириш” картинасида В. Маркова ўзини ўраб турган ҳаётдан олган таассуротларини олдинги Европа усталарининг рангтасвир анъаналариға суюниб, синчиклаб ишланган жиддий расм воситалари орқали ифодалашга ҳаракат қилди<sup>41</sup>.

1934-йилги Москва кўргазмаси Республика тасвирий санъатининг кейинги ривожланишини фаоллаштириди. Бунга Ўзбекистон ҳукумат ташкилотларининг алоҳида эътибори сабаб бўлди. 1934 йил октябрда Халқ Кўмитаси Кенгаши қарори билан корхоналарда рассомларнинг ижодий ишларига кўмаклашиш учун пул маблағлари ажратилди. Шунингдек, Қарорда олдинда турган “Ўзбекистоннинг ўн йиллиги” кўргазмасига аванс ажратиш масаласи кўриб чиқилган. Бу эса ўз натижаларини берди: 1935-1936-йилларда корхоналарда ишловчи рассомлар бригадасининг ташкил топишида ўз ифодасини топди.

1930-йилларнинг иккинчи ярмида Баҳром Хамдамий композиция моҳирлигини ошириб, мавзули картиналарни яратишга киришади. Тошкент рассомчилик билим юртида А. Волковнинг шогирди бўлган Хамдамий устозига тақлид килишдан узоқ эди. У Волковнинг фойдали маслаҳатларини ўзлаштириб олиб, ўз шахсий йўлини очиб, санъатга кириб келган. 1935-йил кўргазмасида намойиш этилган Хамдамий асарларида Волков жамоасининг қоидалари сезилади, аммо унинг мустақил ижодида инсоннинг психологик ҳолатига, индивидуаллигига қизиқиш уйғонди. Масалан “Бригада - қизил доскада” асари. Бу асарда шакл унча ишончли моделлаштирилмаган, либосдаги бурмалар жуда шартли талқин этилган, бироқ портретчининг моҳирлиги намоён бўлган.

1936-йилда Ў. Тансиқбоев, Б. Хамдамий ва бошқа ёш рассомлар Москва ва Ленинградга ижодий сафарга йўл олишган. Улар бу

---

<sup>41</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 82 б

шахарлардаги музейларда бўлиб, буюк рассомларнинг ижодий руҳлари юксаклигини ҳис этишди, улар томонидан инсонни, табиатни синчиклаб ўрганилганини кўришиди ва барча рассомларга илҳом багишилади<sup>42</sup>.

Бахром Хамдамий рангтасвирчи сифатида ривожланди. “Чойхонадаги оқшом” картинасининг иккинчи, қайта ишланган вариантидан сўнг рассом 1939-йилда “Иш тугалланган” полотносини тугатди. Картина 1940-йилда Республика бадиий кўргазмасида кўйилди ва энг яхши иш деб топилди, чунки Ўзбекистон рассомчилигидаги “Халқ ирригация курилиши” мавзусида ишланган илк асарлардан бири ва энг яхшиси эди. Хамдамийнинг ижоди ривожида бу полотно монументалист рассом сифатидаги ютуги бўлди.

Картинанинг асосий иштирокчилари – ўзбекистонликлар, янги курилишлар қаҳрамонлари, улар умумлаштирилган маҳобатли услубда жонли ва аниқ тасвирланган. Кўз ўнгимизда тинч сухбатлашаётган кишилар гурухи йирик планда тақдим этилган. Б. Хамдамий ўзбеклар характеристидаги миллий хусусиятларни аъло даражада ҳис қиласди, уларнинг гавда тузилишини, ўзини тутишини, гапиришини, кийим кийишини, дам олишини. Ўз ҳоҳишли билан сухбат қуриб турган кучли, бақувват кўринишдаги канал қурувчилари тог этагининг қаттиқ табиати ва ёз ҳавосининг қуннинг ярмидаги сиёҳранг тусдаги жимиллаши билан мослашиб кетган. Картинани яратишдан олдин натурадан этюд чизиш каби катта иш амалга оширилган. Бу тог этаги табиатининг қуннинг ярмидаги ҳолати колоритида, ёруглик сояси ўйинида ва хажмларнинг энергик тарзда ёпишишида кўринади. Хамдамий заарли ранглардан узоқлашарди. Ёш қурувчиларнинг бронза ранг гавдалари, қари колхозчиларнинг яшил-мовий кийимлари, абхазча қалпоқдаги қурувчининг елкасидаги бекасам чопон, ердаги калта соялар рассом томонидан жуда ишончли ва ранглари бўйича кучли, меъёр ҳисси билан ифодаланган. Шунингдек, манзара ҳам пластик моддий, мувозанатда ва

<sup>42</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 89 б

кolorистик ишончли тарзда акс эттирилган – кун ярмидаги жазирамада эриётган бинафшаранг тоғлар, сариқ тупроқ чанги билан тўйинган ҳаво.

1941 йилда Хамдамий Алишер Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик кўриш учун “Хусрав қўлига асир тушган Фарход” картинасини яратди. Бу ерда рассомнинг ўткир шоирона тасаввури намоён бўлди. У тақдим этган сахна эртакка ўхшайди, аммо реал воқеликнинг ишончлилиги кўринади. Фарход эртакдаги баҳайбатга ўхшайди. Рассом унинг юз ифодасининг умумий ечимини топади ва худди тошдан ўйилгандек қилиб тасвирлайди. Бу гавдали одам образида реал асос ётади. Фарход Хамдамий талқинида афсона ҳам, рух ҳам эмас, балки қондан чиқкан одам. Рассом тоғ манзарасини ажойиб ҳис қилган. Тоғ гўёки Алишер Навоий яратган Фарход билан Хусравнинг фалсафий-шоирона мулоқоти учун ҳикоя қилувчи фон вазифасини ўтайди<sup>43</sup>.

Бахром Хамдамийнинг машҳур истеъододи тўлақонли тус олмади. Аммо ундан қолган камсонли полотнолар, портретлар, плакатлар, аквареллар, расмлар бўйича рассомнинг қайноқ қалби ва чуқур ақли, унда яширинган лирик ва монументалист истеъододи ҳақида гапириш мумкин.

Шамсируй Ҳасанова ўзбек рассомларининг катта авлодига мансуб бўлиб, рангтасвир маҳоратини эгаллаш борасида барча қийинчиликларни ўша йилларда ижод этган бошқа ўзбек рассомлари билан бирга тортган. Шу маънода унинг ижоди ўзига хосдир. Уни бошқалардан ажратиб турувчи жихати қўлига мўйқалам тутган биринчи ўзбек аёлидир. Унинг ҳаёти муттасил изланишларда кечган.

Ш.Ҳасанова 1917 йилда Тошкентда ишчи оиласида дунёга келган. 1924 йилда Зебинисо Бегим номидаги ўрта мактабга кириб, уни 1931 йилда тамомлайди. 1931-32 йилларда Мактабгача таълим билим юртида ўқиди. Ўқиш жараёнида рангтасвирга иштиёки баландлиги боис, деворий газеталарни безатган. Сўнг, Тошкентдаги Бадиий билим юртида ва Ўзбекистон рассомлари уюшмаси қошидаги малака ошириш

<sup>43</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 92 б

студиясида ўқиган. 1941 йилдан то умрининг охирига қадар Ўзбекистон Санъат музейида фаолият юритган. Музей Ш.Хасанованинг бадий билимини янада тўлдириб, экскурсоводликдан то музей директоригача бўлган йўлни очиб берди.

Маълумки, 1940 йилларда Ўзбекистонда Алишер Навоий юбилейини ўтказишга тайёргарлик, сўнг эса Иккинчи жаҳон уруши бошланганди. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик ўтмиши мавзусини кўйлаш баробарида Ш.Хасановани ўтмишдаги машхур ўзбек шоира, ёзувчи, мусиқачилари образини яратишга олиб келди. Ш.Хасанова бу образларни Шарқ миниатюраси анъаналари, мўйқалам суртмалари кенглиги ва характер индивидуаллиги билан бойитган холда яратди.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, классик асарлар ўз даври ҳаёти мазмунига жавоб беради ва шу сабабли умуминсоний аҳамиятга эга. Бундан келиб чиқадики, ҳозирги ўзбек санъати олдинги давр санъат тили ва образларини тақорорлагани билан миллий санъат анъаналарига содик бўлибгина қолмай, балки бугунги кунга келиб эришилган моддий, маънавий-ижтимоий тараққиёт даражасида ўзбек халқининг ҳаёти мазмунига жавоб бериши билан содик бўлиб қолади.

Шарқнинг эски санъат шакллари худди Ғарбнинг классик шакллари каби йўқ қилинмайди. Улар кетиб бошқа, янги кун эҳтиёжини қондирадиган шаклларга жой бўшатади. Албатта Шарқ миниатюраси ва халқ амалий санъати мероси нафақат тарихий аҳамиятга эга. Санъатимизга ўтган даврнинг умуминсоний ғоялари қадрли, у ўзига миллий бадий донишманд хазинасидан емак топади. Ўзбекистон рассомлари анъаналар билан тарбияланган шаклнинг миллий ҳис-туйғуси билан мағурурланадилар.

## **II.2. Илк махаллий рассомлар ижодининг ривожи**

Рассомлар ўзларигача санъатда ҳукмрон бўлган ҳолатлар, кишилар онгига сингиб кетган тенденциялар ва принципларга қарама-қарши бориб, ўз ички эҳтиросларига таяниб, оламни ўzlари ҳис қилган кўринишда, ҳолатда ифодалашга интиувчи ижодкорлардир. Улар ўз ички сезгиларини тасвирлашда ташқи тўсиклар сари шиддат билан борувчи, кишилар кўникмасини алгов-далгов қилувчи рассомлар сирасига кирадилар. Бундай новатор исёнчи мўйқалам соҳиблари ўз принципларини амалга оширишда ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, сезгилари ва ҳиссиётларини хоҳлаган тарзда ва кўринишда ифода этишга интиладиган ижодкорлар ҳар бир даврда бўлган. Модернист рассомларга хос қаҳрамонона шашт билан оламга кириш, ўз ички сезгилари, ҳиссиёт оламини юзага чиқариш йўлида кескин ҳаракат қиласиган ижодкорлар тасвирий оламда очилмаган кўриқ йўналишида фаолият кўрсатадилар.

Ўзбекистонга келгач, П.Бенъковнинг “ижод булоги” очилди. Шарқ таровати 1928 йили Хива шаҳридаги қисқа вакт ижодий изланишларидан бошлаб рассомни ўртаб, унинг ўй-фикрини ларзага келтирди, қалбида мудраб ётган ҳис-туйгуларини алангалатиб юборди; фикрлаш дунёси кўзгалиб, кўнглига яқин мотивлар, ижодий ишлаш услуби, кўникмасига мос муҳит, образлар бутун атрофини ўраб олганини кўриб, ҳайратга келди. Очиқ ҳавода, табиат қўйнидаги образлар, типажлар, ўрта асрларга оид муҳит, чараклаб турган қуёш остидаги тайёр сюжетни кўриб рассомнинг илҳоми қайнади. Ушбу қалб ҳароратини у матога туширишга шошилади. Хива бозорлари рассомнинг дастлабки асарлари обьектига айланганлиги бежиз эмас. Бетакрор, рангларга бой образлар, у ердаги одамлар кийимидағи, рухиятидаги гўзаллик, этнографик хусусиятлар ва хислатлар рассом қалбини эгаллади. Ярим аср яшаб, Европани айланиб, Петербургда ўқиб, Қозон бадиий билим юртида 20 йил ишлаган рассом бундай ижодини жўш урдирадиган, фикран ва зикран қалбига озуқа

берадиган ўлкани илк бор учратганини Беньков қайта-қайта таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистондаги сал кам йигирма йиллик ижодий фаолияти давомида номини абадий улуғлайдиган асарлар яратиб, бутун бир Самарқанд бадиий билим юртига асос солиб, кўпгина истеъодли ижодкорларни тарбиялаб вояга етказди.

Рассомнинг маънавий дунёсини, шахсиятини белгиловчи яна бир муҳим жиҳат шуки, у табиатан маърифатпарвар инсон эди. Унда руҳий эркинликка интилиш кучли бўлган. Шунинг учун у хаётнинг майда икирчикирларидан йироқ, ҳаёт-мамотини санъатга бахшида этган бу рассом камсукум, зукко, ўта маданиятли бўлгани учун ҳам атрофида дўстлари-яқинлари кўп бўлган. Айниқса, шогирдлари А.Розиқов, Р.Темуров, ҳамкасби З.Ковалевская кундалик ташвишларида унинг яқин ёрдамчилари эдилар. Ўлкамизга биринчи бўлиб ранг борасида импрессионизм эришган ютуқларни ва бевосита ҳаёт билан тўқнашувдан ҳосил бўлган илк таассуротларини уйғун тасвирлаш хусусиятини олиб келди. Шу жиҳатдан П.Беньковни Ўзбекистон тасвирий санъатининг шаклланиши ва ёрқин йўлга тушиб олишини жадаллаштиришга улкан ҳисса қўшган санъаткор дейишга барча асослар бор. Халқ ҳаётининг икир-чикирларига тобора теранроқ кириб бориши, тушуниши ижодининг келгуси авлодлар олдидаги қийматини оширди. Юқоридаги Хива туркумидан ташқари, “Бухородаги ёпик бозор” (1929), “Амир амалдори” (1929), “Пиёла тутган тожик киши” (1928), “Лаби ховуз” мавзусидаги туркум асарлари, “Шарқ кўчаси” (1929) “Хивалик қиз” (1931) шу туркумдаги изланишларининг якунидир. Чунки бу даврда бутун санъатни бир қолипга солган соцреализм ҳали ўз кучини тўла намоён этиб улгурмаган, рассомлар ижодий эркинлиги барҳам топмаганди. Рассомлар бу даврда ўз ижодий имкониятларидан келиб чиқиб, кўнглига яқин мотивлар, ижодига мос ҳаётий кўринишларни иложи борича англаган ҳолда эркин ифода этишга интилишарди.

1928-йили АХРРнинг Тошкент филиали ижодий кучларни маълум йўналишга қаратишга, муайян белгиланган мавзу бўйича асарлар яратишга бурмоқчи бўлди, лекин бу тадбирнинг таъсири ўлкада қарийб сезилмайди. П.Беньков Ўзбекистонга шу гуруҳ орқали юборилди: чунки унинг ижоди кўп жиҳатдан мазкур йўналиш ғояларига тўғри келарди. Рассомнинг ўлкадаги ижодий изланишлари шу даражада жонланиб кетдики, унинг илгариги ишлаш меъёри кескин ўзгарди. Беньковнинг шу пайтга қадар қарийб ҳаракатсиз ётган инстинктив ички ижодий салоҳияти ҳаракатга келганди. АХРР дастуридаги рассомлар кучини бир жойга тўплаш, революцион воқелик олиб кирган ҳаётй лавҳаларга улар эътиборини қаратиш каби хусусиятлар ишларида сезилмайди. Марказдаги ўзгаришларнинг узоқ ўлкага зудлик билан етиб келиши мураккаб эди. Бундан ташқари, қадимий ҳаёт таъсирини бирданига ўқотиб бўлмасди. Шунингдек, илк бор мазкур ўлкага тушиб қолган рассомнинг бу қадимий ҳаёт тасвири, унинг таровати ва жозибасига берилиб кетиши табиий эди.

Шарқقا хос бу хусусиятлар рассом фикр кўламини қамраб олганлиги, мусаввир бу хиссиётнинг қаттиқ таъсирида эканлигини унинг асарлари мотивида сезилиб турди. Бу табиий ҳол. АХРР берган кўрсатма ўз йўлига – ҳаётй ҳақиқат ўз йўлига. Рассом қалби буюрган, ўзини ижодга ундан мотивларни тасвирлади, кўнглига яқин кўринишларни матога туширди.

П. Беньков ва З. Ковалевскаянинг шогирди Лутфулла Абдуллаев урушнинг биринчи йилида “Армиядаги видолашув” картинасини яратди. Ҳарбийдаги отанинг оиласи билан хайрлашуви акс этган. Рассом бу асарга турмушдаги икир-чикирларни юмор тарзида олиб кирган (шлем-бudenovkani кийиб турган бола). Уруш йилларида Л. Абдуллаев катта мавзули композицияларни яратди, замонавий оқимдан олинган характерда ва ҳаётдан олган кузатувларда ғалаба учун меҳнат мавзуси, давр руҳи кундалик типик сахналарда ифодаланади.

Л. Абдуллаевнинг “Шимолий-Тошкент каналидаги таргигботчи” асари (1942) бу - рассомнинг каналга бориб келгани холосаси. У бу ерда халқнинг ҳаёти ва қаҳрамонона меҳнати билан танишади, ирригация қурувчилари характери билан танишади. Бу композициянинг гоявий мазмуни фронт ва фронт ортининг яхлитлигига. Қаҳрамон-аскар Кўчкор Турдиев ҳақида гапириб бераётган таргигботчи атрофида канал қурувчилари тўпланган. Рассом турли характерли кишиларни учраштирган, улар қизиқиш билан ташвиқотни тинглашяпти. Айниқса таргигботчи ёнида турган қурувчи паст бўйли, кенг юзли, кулимсираб нутқни маъқуллаб турибди. Кўринишнинг ва гурухларнинг турли хиллиги композицияга ишончни ва ҳаётга bogliqlikni билдиради. Чизишнинг янги услуби картинанинг бошқа жиҳатини ҳосил қиласи.

Рассом бу ерда рангнинг оқартирилганини енгиб ўтади. “Каналдаги таргигботчи” асарида колористик гамма бутун-илик, охра, фиалка рангларда. Бу Л. Абдуллаевнинг биринчи ҳақиқий етук мавзули картинаси. Унинг аҳамияти айниқса рассомнинг 1964 йилда бўлган шахсий кўргазмасида белгиланди, у ўз композицияси, ёрқин характери, янгилиги, ранглар ечимининг бутунлиги билан ажralиб туради.

Беньков мактаби Москва бадиий билим юрти билан бирга 1937- йилда Москвада бўлиб ўтган бадиий билим юртлари конкурсида биринчи ўринни олди. Л. Абдуллаевнинг “Ёш шоирнида меҳмонда” картинаси (1939) унинг сюжетли-мавзули рангтасвирчи усталигини, кўпфигурали композицияни яратади олишини, натурани ўрганиб чуқур портрет хусусиятларини яратади кўрсатиб берди. Картинада камчиликлар ҳам бор эди. Шунга қарамай Абдуллаевнинг ижодий ривожида ва ўша давр Ўзбекистон рангтасвир жанрида бу полотно янги ва соғ сўз эди. Ўзбекистон рассомчилигига ўз ижодий услубига ва дунёга ўз шахсий назари билан бокадиган ёш уста кириб келди<sup>44</sup>.

---

<sup>44</sup> Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М. 93 б

У ҳар доим ўз шогирдларига техникумни тамомлаш - бу ҳали ҳаммаси эмаслиги, ҳали Ленинград Бадий Академиясига бориб ўкиш кераклигини уқтиради.

У киши айтган нарсаларни эсдан чиқариш мумкин эмас. Мен Самарқандда ўқиганимда рангга жуда қизиқардим, менимча ранг бу рангтасвирда энг муҳими эди. Ва унинг турли кўринишида катта истеъдод ва олий иқтидор ётарди. Бир марта мен этюд чиздим ва олд планда қуёш нури тушиб турган девор турарди, мени ўйлашимча бу ерда бир нечта ранг бўлиши керак эди: мовий, қуёшранг ва сарғиш. Бу ранглар ҳақиқатда йўқ эди, аммо мен уларни пайдо қила бошладим. Шу пайт Павел Петрович ёнимга келиб битта сўз айтди: “Донолик қилманг” ва бу адашганимни тушунишим учун етарли эди. Худди шундай сўзни мен яна бир бор орадан бир неча йил ўтиб улардан эшитдим, улар Роберт Рождественский билан менинида меҳмонда эдилар, мен Москвага ўкишга кетишимдан олдин. “Оддий чизинг - оқни оқ, қорани қора қилиб” деб уқтирганлар. Буюк француз рассоми Роден ёш рассомларга тахминан шундай деган: “Энг қийини ва энг баланди – бу чизиш, ёзиш, оддий ва табиий ифодалаш”. 1934 йилда биз Ургутга амалиётга борганимизни ҳеч қачон унутмайман. Бу йили 4-босқичларнинг битириув йили эди. Бир неча ўқувчилар Павел Петрович атрофида ўтириб, у билан санъат ҳақида сухбат қуришарди. Устоз чека туриб, гугуртни қўлига олди ва шундай деди: Мана гугурт, у қандай бўлса, шундай чизинг ва мен сизнинг қўлингизни сиқаман. Кейин қўшиб қўйди: “Чизманг”. Ҳаммамиз ҳайрон қолдик, ишни охирига етказаётганлар аҳволини қўрсангиз эди. Шу маълум бўлдики, улар нафақат битта картинани, балки битта гугуртни ҳам чиза олишмайди. Бу воқеа хотирамга чукур ўрнашди, мен бу воқеани рассомнинг моддий ҳис-туйғуси етишмаган қандайдир картинани қўрсам тез-тез эслайман.

П. П. Беньков механик тасвир ва ҳис-туйғусиз нусха кўчиришга қарши эди. Унинг исталган картинасини олсак қанча муҳаббатни, туйғуни,

дидни кўрамиз. “Узум териш” картинасига эътибор қилинг. Бундай кенг, ифодали бўёклар учун қандай катта темперамент талаб этилади. У шундай мохирлик билан рангни олади. У ёруғлик кучини ранг билан бирга уйғунлаштиради, натижада полотно жонли кўринишга келади. Мўйкаламнинг ҳар бир бориб келиши жонли, у хаводан нафас олади. Унинг асарларига қараб туриб, рассом томирларида қандай қон оққанини, юраги қандай урганини, асар устида ишлаганида қандай завқланганини тушунмаслик мумкин эмас.

Мен шунга ишонаманки, биз тириклигига тез-тез уни эсдан чиқариб қўйганимизга қарамай, П. П. Беньковнинг номи Ўзбекистон тасвирий санъати тарихига киради, ўзбек халқи санъати ва маданияти вакиллари томонидан ташаккурлар айтилади<sup>45</sup>.

П. П. Беньковнинг Самарқандда яшаб ижод қилгани унда бутун гўзалликка, ёрқинликка муҳаббатни уйғотди. Павел Петрович Ўзбекистон табиатни, қуёшли ўлкамизни янада кўпроқ севишга ўргатди, чунки унинг ўзи уларни чексиз яхши кўтарди. Ўзбекистоннинг ёш рассомлари, тасвирий санъатнинг ilk қалдирғочлари учун Беньковнинг айнан шу ердалиги, бизга устозлик қилиши, бизда санъатга меҳр уйғотгани ҳақиқий баҳт эди. Ундаги кўрган нарсасини дарров илғаб олиш иқтидори ички қалби оҳангига билан уйғунлашиб кетган, шунинг учун унинг мўйқалами остидан ёрқин рангли манзаралар, ажойиб картиналар мохирлик билан ишланган портретлар чиқди. Унинг шогирдлари унга ўхшатиб чизишни ҳаракат килишган ва бу табиий. Шу масала бўйича Беньковга таъна қилганларга мен шуни айтаман: “Шогирд ўз устозига ўхшатмасдан ишлашини сиз қачон ва қаерда кўрдингиз. Бошланғич таълим олаётган ёшлар ўз педагоги услубида ёзув техникасида, ва ҳатто ўзини тутишида устозига ўхшатмаслигини қаерда кўрдингиз. Шогирд ўрганаркан, ўз устозига ўхшаб ишлаши табиий ҳол. Ўқишдан сўнг эса ҳар бири ўз йўлинни топиб кетади”.

---

<sup>45</sup> Жажда прекрасного // Воспоминания, статьи, выступления. - Т. 1994. 129 б. Абдулхақ Абдуллаев.

Биз, унинг шогирдлари кенг, темпераментли ва бирмунча этюдли ёзувига ўхшатишга ҳаракат қилғанмиз. Асос, реализм ҳосили бизда, чунки Беньков бизни унга йўналтириди. У бизни буюмни умумий қабул қилишга, кўз олдимиздагини битта қарашда илгаб олишга ўргатди<sup>46</sup>.

А.Волковдек ички иродаси кучли, ижодий принципи қатъий шахслар ҳам даврнинг темир талаби асосида бўгилиб, ўз ижодий йўналишларини кескин буришга мажбур бўладилар.

Шунга қарамай, рассомнинг ижодий қобилияти, воқеликни акс эттиришда жанр ва композиция хусусиятларини чуқур эгаллаганлиги ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Чунончи, рассом “Беданани тинглашяпти” (1926), “Анорли чойхона” (1924), “Чойхонада” (1928), “Пахта терими” (1931), “Мева сотиш” (1927), “Чилимкашлар” (1921) асарларида композицияни зич ҳолатда мато юзасига лавҳали жойлаштириб, ҳиссиётларга тўла алоҳида бир дунё яратади. Шу рангин олам фонида айрим образлар ва характерлар, воқеага мансуб бўлган предметлар, асар мазмунидан келиб чиқувчи ҳаётий натюромортлар, воқеа содир бўлаётган мухит характеристига монанд мазмун ифода этувчи ҳолат яратади.

Рассом гоясини юзага чиқаришда ранг, унинг тўйинган жўшқин ҳарорати муҳим роль ўйнайди. А.Волковнинг бу борадаги изланишлари, айниқса, “Нашавандлар” асарида яққол қўринади. “Чойхонада”, “Беданани тинглашяпти” асарларида эса ижодкор бу борадаги изланишларни давом эттиради, энди декоративлик аломатлари янада кучаяди, иссиқ ва совуқ ранглар нисбати кескинлашиб, жозибадор ҳиссиёт дунёга келади. Мусаввир асар мазмунидан келиб чиқувчи предметлар тасвирини кескин характерлаб, ранг борасида яна ҳам дадил тажрибалар олиб боради. Мазкур хусусият “Анорли чойхона” асарида янада бўртиб қўринади.

Автопортретида у ўзини ўрганмайди, балки ижодий шахс эканини тасдиқлайди. Рассомнинг дунёга қарashi очик ва орзулар қанотидаги

<sup>46</sup> Абдулхақ Абдуллаев. Жажда прекрасного // Воспоминания, статьи, выступления. - Т. 1994. 126 б.

шоир каби, келажакка пардани очишга уринади. Кўзларида-диққат, яширинган оғриқ, қайсарлик. Кенг мўйқаламни ушлаб турган қўллар худди қурол ушлаб тургандек. Кўз ўнгимизда жасур, ишга кўмилган, ўзини тутиб олган, ижодга шўнғиган одам. А. Волков автопортетида ўз кўринишини кўчирмайди. У қўзга кўринмас каргинани яратади ва бу жуда муҳим, у ушбу одамнинг таассуротини, диққатини, бутун фикрини тортиб олди. Балки унда бутун ижодий йўли, бошидан кечирганлари, ўз-ўзи билан қолиши учун қаттиқ тургани акс эттирилган. Автопортрет ранги тилларанг, кўнғирранг-яшимтирик, босик. Бажарилиш услубига келсак рассом шаклни чегаралаб турувчи йирик бўёқ чаплашни ёқтирган. Юзи синчиклаб моделлаштирилган. Бошқа барчаси умумлаштирилиб кенг мўйқаламда ишланган.

Бу каби ижодий изланиш жараёнида рассом руҳияти бирмунча ўзгариб, илгариги ижодий жадаллик, дадил тажрибалар ўрнига, тасвирга эътиборни бирмунча ошириб, тасвирланган муҳитни аниқлаштирувчи барча ҳаётий унсурлар орқали воқеани батафсилроқ ҳикоя қилишга интилиш устуворликни эгаллайди. Рассом, умуман, ишлаш услуби, асар яратиш жараёнига кўра этюд ишлаш, эскиз ишлаш тизимидан йироқ туради. Ҳаётни қузатиб, қалбига сингдириб, шу ҳаётий қузатишларини кейинчалик натурадан тамоман холи равишда, ҳаёлан яратишга киришади.

А. Волковга кескин руҳий қайфият ва характеристига хос жўшкинлик, темперамент, кескин хатти-ҳаракатлар ва бўёқ ишлатишларда тасвир обьектини ёрқин ифода этиш услуби хос бўлса, П.Беньковда мувозанат сақланган, меъёр жойида, мулоҳазали ва босик ижодий характер мавжуд; умуман, ижодкорнинг ички дунёсига хос хусусият, жиҳатлар унинг композицион асар яратиш услуби ва образлари ҳароратида сезилиб туради. Қолган компонентлар шу хусусиятни гоҳ кучайтириб, гоҳ сусайтириб беришга хизмат қиласи. П.Беньков тайёргарлик жараёнисиз, тўғридан-тўғри обьектнинг ўзидан ишлаган. Ана шундай мулоқот

жараёнида рассом композицияга халақит берувчи иккинчи даражали деталларни тушириб қолдириб, унинг мазмунини юзага чиқарувчи персонажлар ва уларнинг руҳиятини биринчи планга олиб чиқади. Композициянинг ранг жиҳатидан тузилишини ҳам шу усулда ҳал қиласи.

А.Волков 1920-йиллардаги изланишларида Шарқ турмуш тарзига ва унинг тароватига бутун вужуди билан шўнғиб кетган. Паст уйлар, уларнинг ритмик изчилликда жойланиши, воқеа иштирокчиларнинг кенг панорамаси тўйинган ранглар воситасида ифода этилади. Асарда бутун бир яхлитликда шарқона ҳаёт кўриниши жонланади. “Фарғона қишлоғи” 1926й каби шу турқумдаги композицияларида у бутун мато юзаси бўйлаб, жонли, қайтарилемас, жўшқин ҳаёт тарзини акс эттирган. Уларда кундалик тирикчилик ташвиши билан юрган одамларнинг образли қиёфалари жонлантирилган. Уфқ мато ҳошиясидан ташқарига чиқариб юборилиши орқали кўп планли тасвирлар томошабинга яқинроқ олиб келинган ва шу услугуб билан халқ ҳаётининг кенг панорамасини кўрсатишга эришилган. Асарнинг барча қисмларида ранг экспрессив, таъсирчан ҳолатни ифода этади. Шу рангин оламнинг жўшқинлиги, жозибаси бутун асар ички тузилишининг тўлақонли ва ҳароратли бўлишини таъминлаган. Тасвирдаги воқеаларнинг ҳар бир бўлаги ўзига хос сюжет чизигига эга бўлса-да, уларнинг ҳаммаси яхлит равишда тасвир объектининг умумий тароватини, панорамасини гавдалантиради. А.Волков асарларида атрибулар маълум бир рух асосида танланган. Масалан, “Чойхона қошидаги карвон” (1927), “Ўзбек байрами” (1926-27) (ДСМ) асарларида анъанавий турмуш унсурлари услублаштирилган тарзда асар мазмунини ёритишга бўйсундирилган. Хусусан, биринчи асарда унинг умумий характерли ҳолатлари, түякашларнинг чой ичиб хордик чиқариши нафосат ва ритмик жўшқинлик билан ишланган.

Ушбу йиллар ўлкамизда миллий рассомлар ижод қила бошлагани билан характерлидир. Ў.Тансиқбоев, А.Сиддикийнинг дастлабки композицион суратлари фикримизнинг далили бўла олади. А.Сиддикий

“Түй” (1932) асарида санамнавислик санъатидан таъсиrlаниб (рассом 1927-28-йиллари Москвада ўқиган), матони сюжетлар бўйича аниқ бўлакларга бўлиб, тўй маросимини алоҳида мотивлар ёрдамида ифодали жонлантирган бўлса, Ў.Тансиқбоев “Тошкенбоев портрети”да В.Серовнинг “Қуёш тигидаги қиз” асаридан таъсиrlанганлиги, ундан маънавий озиқ олганлиги сезилиб турди. Бу асарларда маҳаллий рассомлар секин-аста мустақил ижодий йўлга қадам қўяётганлиги кўзга ташланади. Уларнинг рус тасвирий санъати анъаналарига суюнган ҳолда ўлкага хос характерли лавҳаларни таъсиrчан композицион услубда, ранг жиҳатидан жўшқин ҳолатларда ифода этганлари ижобий самара ҳисобланади.

Ўрол Тансиқбоев кучли ҳиссиёт эгаси, доимо янги-янги ижодий чўққиларни эгаллашда толмас курашчи, эҳтиросли қалбга эга инсон эди. Унинг “Қишлоқ чеккаси” (1931), “Олтин куз” (1931), “Кўл бўйида” (1932) (Ў.Тансиқбоев уй-музейи) каби асарларида ранг борасидаги изланишлари, фантастик руҳий оламни ўзига хос ифода этиш услуби, рангларнинг ниҳоятда бой нюансларидан ақл бовар қилмас сеҳрли дунё, руҳий олам ярати олиши намоён бўлди. Рангларни бу даражада кескин кўра билиш ва жўшқин ифода этиш, қалб тубидан отилиб чиқаётган туйгуларни айнан шу йўналишда ёрқин, жозибали жонлантириш ижодкорнинг тўлқинланишидан далолатдир. Кенг қалби, қайноқ вужуди, ички руҳий галаёнларининг харакатга келиши рассом изланишларида тўлалигича намоён бўлади. Ижодкорнинг қалб тубидаги туйгулари ранглар қуюнида юзага чиқади ва мавжланади.

Жонли воқелик тасвирини қамраб олиш кўлами тобора кенгаяётгани, рассомлар кишилар ҳаётида, фикрлаш оламида кечеётган турланишларни турфа хил композицион усуллар воситасида қамраб олаётгани, ифодавий воситаларнинг кўлами тобора кенгайиб, изланишларда янгидан-янги ижодий самарадорлик кўринаётгани сезилиб турди. Муҳими шундаки, ранг борасида кечеётган изланишлар,

рассомлар ҳаёт ўзгаришларини тобора чуқурроқ илғаб олаётганлиги улар ижодида яққол кўзга ташланади. Асосийси, бу давр ижодий имконияти кучли санъаткорлар сафи кенгайиб бораётганлиги билан характерли. А.Волков ва О.Татевосян сафига Усто Мўмин (А.Николаев), П.Беньков ва Е.Кашина, М.Курзин ва Н.Карахан, Ў.Тансиқбоев ва А.Сиддикий каби ижодий ва ҳаётий поғоналарни босиб ўтган, ифодавий услуб ва ранг жиҳатдан катта ижодий имкониятга эга бўлган рассомлар кўшилиб, улар ижодиётнинг ойдин йўлига чиқаётганди.

Шу нарса аён бўладики, композицион турли-туманлик маънавий ҳаётнинг кенг қатламларини қамраб олаётганди. Шунингдек, рассомлар ўз қалбига яқин, ижодий потенциалига мос ҳаёт кўринишларидан астасекин давр талабига оид материалларга кўл ураётганлиги ҳам кўринади, чунки бундай мавзуларда ташқи жўшқинлик, образ ва тасвир муҳити яхлит кўринади. Натижада бадиий мезон бирмунча сусаяди. Шу жиҳатдан Н.Караханнинг “Ташвиқотчи - батрак” (И.Савицкий номидаги ДСМ), П.Беньковнинг “Қизил чойхона” асарлари характерлидир.

Бу асарларда бадиий ифодалилик, ранг жиҳатидан жўшқин тажриба ва изланишлар сусайган ҳолда, воқеа сюжети, ташқи аломатлар биринчи ўринга чиқиб қолган. “Бу, албатта, 1920-йилларда рус санъатида кечеётган жараёнлар таъсиридир. Рассомлар ўзининг ижодий илғаб олиш кучига, принципига хилоф равища ишлагандан шу хусусият юз беради. Иккинчи томондан, барча йўналишлар ва талантларни ижодий индивидуалликка чалғитувчи социалистик реализм аломатлари бадиий ижодиётнинг барча соҳаларига илдиз отаётганди”. Ўша даврда, айниқса, чойхоналар бир талай рассомларнинг ижод манбаига айланганди. Бу табиий ҳол эди: турмушдаги ўзгаришлар, ҳаётга кириб келаётган янгиликлар кўпинча чойхонада, бир пиёла чой устида муҳокама қилинар, дунё ва кундалик воқеалар ҳақида бамайлихотир сухбат бўларди. Кишилар ушбу маконга янгилик эшитиш учун шошилардилар. П.Беньковнинг “Қизил чойхона” (1929), М.Курзиннинг “Қизил чойхона”

(1929), А.Волковнинг “Олов ранг чойхона” (1926) ва бошқа кўплаб асарларда ҳам шу хусусиятларни англаш мумкин. Рассомлар чойхонанинг тарғибот-ташвиқот жиҳозлари билан безатилган кўринишини тасвирлайди. Асарлар рангларга бой, жўшқин колоритли. АХРР дастурига тўла монанд равишда ҳар бир детал ва аксессуарлар, чойхона ичкарисида давра қуриб ўтирган кишилар, чойхонанинг жозибадор безатилганлиги каби хусусиятлар орқали рассомлар ҳаётдаги ўзгариш, кишилар руҳиятидаги жонланишни кўрсатганлар. Шахмат ўйнаб ўтирганлар, ҳангома қилаётганлар, нима ҳақидадир ҳаяжонли сухбат қураётган давра ахли ва ҳоказолар ҳаётнинг жўшқинлигини акс эттириб туради.

1930-йилларда ўзбек тасвирий санъатининг илк миллий рассомлари қаторида ижод қилган рассомлардан яна бири Баҳром Ҳамдамийдир. 32 йилгина яшаган Ҳамдамий қисқа, лекин меҳнат ва ижодга тўла ҳаёт кечирган. У илк таълимни киноплакатлардан нусха кўчиришдан бошлади. Кейинчалик рассомликка қизиқиши ортиб, Усто Мўмин, В.Рождественский, С.Малътлардан ўргана бошлади. 1932–1934-йилларда бадиий таълимни Тошкент ўкув ишлаб-чиқариш устахоналарида олди. 1934 йилда эса Тошкент бадиий техникумининг 4-курсига қабул қилинди. У А.Волков, М.Курзин, О.Татевосянлар қўлида рангтасвир сирларидан сабок олди. рус реализми анъаналарида бир қатор сюжетли тематик асарлар яратди.

Б.Ҳамдамий ижодида портрет санъатининг илк шаклланиш босқичини кўришимиз мумкин. Аксарият портретларида тасвирланувчиларнинг кўкракка қадар қисми гавдаланган. Рассом ўз портретларида факат кишининг юз қисмини тасвирлади, зеро у ҳали бўй-баст, атроф-муҳит билан ифодалаб бериш маҳорати даражасига кўтарилимаган эди. Баҳром Ҳамдамий гарчи ўзининг авангард концепцияларини шакллантирган рассомлар қўлида таҳсил олган бўлса-

да, содда, аммо тасвирий воситаларга бой реализм йўлидан борди. Тасвирий бадиий воситалар ёрдамида дадил изланишлар қилмади.

Рассом ижодида портрет асарларини яратиш жараёнида инсоннинг психологик ҳолатига, унинг индивидуал хислатларига алоҳида қизикиш билан қарайди. Ўзбек кишиси, унинг характери, ўзига хослигини чукур ҳис қилган ҳолда, уларнинг реал психологик талқиндаги қиёфаларини ишлади. Ҳар бир рассом ўз ижод йўли давомида шубҳасиз автопортретга қўл уради. Рассом автопортретда бадиий ютуқларини, ижодий изланиш давомида эришган топилмаларини ва янги ифодавий воситаларини муҳрлашга ҳаракат қиласи. Шунингдек ижодкор автопортретда ички рухиятини, унда кечётган ўй-фикрларини, ўз дунёкарашини, қалбидан ўтказаётган кечинмаларини очиб беради. Табиийки, автопортретни рассом қалбининг кўзгуси деб аташ мумкин. Шу жумладан, рассомнинг автопортретлари мажмуи доимо санъат ихлосмандлари назарида қизиқарли манзара касб этади. Баъзи рассомлар камдан-кам автопортретга қўл урсалар, баъзилари эса ижодларининг аксарият қисмини автопортрет орқали намойиш этадилар.

Рассом 1932–33-йилларда яратган “Автопортрет”идаёқ портрет жанрига эътибори намоён бўлган эди. Этник қиёфа, характерни, шарқона романтикани, лирикани портретларга жо этган рус рассомларидан фарқли равища Б.Ҳамдамий ўз асарларига иссик қалб ҳароратини, юз ифодасидан кўриниб турувчи интеллектуал онг даражасини, психологик кайфиятни муҳрлашга ҳаракат қиласи. 30-йилларнинг охирларида яратган “Чойхонада оқшом” (1936), “Мўйсафид портрети” (1936), “Комсомол қиз Муҳитдинова”, “Шоир Мустариб” (1940) каби асарлари (ДСМ) шулар жумласидандир. Тасвирланувчиларнинг ҳар бирида рассом ўзига яқин ва таниш фазилатларни – характернинг барқарорлигини, маънавий юксакликни кўрди. Рассомнинг қатор асарлари 1935–41-йилларга мансубдир. Б.Ҳамдамийнинг барча асарларида миллий

характерни очиб беришга интилиш, ўзининг рангтасвириона бадий тилини, шахсий ифода услубини излаш сезилиб туради.

Бахром Ҳамдамий доимо кўнглига яқин, руҳий ва маънавий қувватга бой кишиларни тасвирлашни хуш кўрган. “Мўйсафид портрети” (1938), “Автопортрет” (1938), “Шоир Мустариб” (1940-1941) портретларида Б.Ҳамдамийнинг портретчи сифатидаги маҳорати бор бўйи билан кўринади. “Шоир Мустариб” портретида рассом бувасининг сиймосини илк бора қаламда ишлаган. Б.Ҳамдамий ҳали бақувват, сергайрат қариянинг китоб мутолаа қилаётган чогидаги нуроний қиёфасини жонли штрихларда жуда ифодали бера олган. 1940–1941-йилларда яратилган Мустарибнинг портретида халқ донолигини ўзининг сиймосида мужассамлаштирган, машаққатли кечган умрнинг излари чехрасида муҳрланган шоирнинг мўйсафид қиёфаси гавдаланади. Рангларнинг жонли, ҳаракатта тўла бетартиблик билан берилиши, рассомнинг колоритни ва шакл пластикасини чуқур ҳис этиши натижасида ифодавий таъсирчан портрет вужудга келган.

Рассомнинг “Автопортрет”ида ёш, ижодкорлик фаолиятини энди бошлаётган, санъат оламига ўзгача нигоҳ билан қараётган, дўппи кийиб олган ўзбек кишиси гавдаланади. Б.Ҳамдамий бу асарга психологик ва эмоционал таъсирчанлик бермаган, янги тасвирий воситалар киритмаган бўлса ҳам у ўзининг услуби, реалистик мактаб анъаналари ва колористик жиҳатлари билан муҳим аҳамиятга эгадир. Рассом “Автопортрет”ида айнан этнографик чизгиларга, халқи орасидан чиққан маҳаллий ижодкор эканлигига алоҳида ургу бериб ўтган.

Рассомнинг 1939 йилга мансуб “Ёш рассомлар” (“Изо кадры”) (ДСМ) номли гурухли портретида энди шаклланиб келаётган рассомлар гурухини ифодалаган. Реал қаҳрамонларнинг жамоа образини очища рассом жанрли ёндашувни қўллаган. Унинг барча персонажларига чуқур индивидуаллаштирилган характер берилган бўлиб, улар руҳнинг соғ ва тозалигини, ҳаётга нисбатан ишончли назар ва дўстона муносабатини

ифодаловчи ягона образни ташкил этадилар. Б.Ҳамдамий ёш рассомларнинг шу каби типик чизгиларини очиб беришни асарнинг ифодавий рангтасвир қурилмасига юклайди. “Ёш рассомлар” асари эркин ва аниқ жойлаштирилиб, кенг мўйқалам билан чизилган ва соғ, ёрқин колорит орқали ифодавийлиги кучайтирилган.

Б.Ҳамдамийнинг асарларида унинг нақадар миллий характерни аниқ ва чукур хис этиши, образларидаги мураккаблик ва кўп қирраликни намойиш этиш учун ифодавий воситаларга эътибор қаратиши, ўзининг бадиий ғоясини амалга ошириш учун ўз йўлини, ўз усулини қидиришининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунингдек, миллий тасвирий санъатимизнинг шаклланишида ўз ҳиссаларини қўшган рассомлар С.Абдуллаев, М.Набиев, В.Одилов, С.Мухамедов, Р.Аҳмедовлар бевосита Б.Ҳамдамий қўлида таълим олиб ундан тасвирий санъат асосларини ўргангандар.

Ш.Хасанова Ўзбекистон санъати тарихида Шарқ шоираларига бағишланган портрет асарлари билан ўчмас из қолдириди. У Зебинисо, Нодира, Увайсий, Мутриба каби шоиралар сиймосини тасвирлаб берди. Уларнинг қиёфасида меҳр ва илхом хислари сезилиб туради. Рассом учун ўз қалбига яқин Шарқ аёлларининг маънавий эркинлиги, уларнинг ижод билан шуғулдана олиши муҳим ҳисобланарди. У фактат Шарқ миниатюра санъатини эмас, балки тарихий манбааларни, айниқса шеъриятни дикқат билан ўрганди. Шарқ тарихи ва шеърияти таассуротлари остида рассом хаёлий портретлар яратди. Рассомнинг ўз полотноларидаги қахрамонлари билан руҳий алоқаси унинг дастлабки асари “Зебунисо портрети” биланоқ ўрнатилади. У яратган шоиралар портретлари бир хил бўлмасада, уларнинг барчаси учун шоирона ҳиссиёт, ҳаяжон салобат хосдир. Ш.Хасанова нисбатан аввалроқ ишлаган 1944-1945 йилларда Нодиранинг портретида мақсади сари дадил интилаётган ва назокатли Нодира образи очилган. Харакатчан қиёфа, нафис эгилган тана, ишора холати кучли қалб туғёнлари, безовта

рухни ифодалайди. Ш.Хасановани тарихдаги воқеа эмас, балки қаҳрамоннинг ички дунёси қизиқтиради. Шу боис портретдаги образнинг бутун борлиғи айнан шунга бўйсундирилган. Увайсий портретидаги жойлашув иқтидорли ва жасур аёлларнинг қайғули тақдири, чукур кечинмаларини таъкидламоқчи бўлди.

Мусаввиранинг “Автопортрет” (1950 йиллар) асари алоҳида эътиборни тортади. Бу асари орқали рассом портретлар мажмуи қаҳрамонлари ўртасида алоқадорликни тиклагандек туюлади. Асарда романтик образ яратишга интилади. Мато юзасини ён томондан тасвирланган ярим фигура эгаллаган. Ушбу автопортретда аввалги қаҳрамонлари талқинида кузатилган хикоянависликдан кечади. Асарнинг ифодавий композицион ечими образнинг ички оламини очиб беради. Фон нафис ишланган, нозик ранг суртмалари ҳаяжонли муҳитни яратади. Мусаввиранинг тасвирий санъатдаги мавжуд анъаналарни ўзаро уйғунлаштириш йўлидаги изланишлари миллий ўзига хосликни яққол намоён этувчи бадиий етук асарлар яратилиш учун замин бўлди. Рассом яна бир 1950-йилларда яратган “Автопортрет”ида портрет жанрига эътибори намоён бўлган эди. Этник қиёфа, характерни, шарқона романтикани, лирикани портретларга жо этган рус рассомларидан фарқли равишда мусаввира ўз асарларига иссиқ қалб ҳароратини, юз ифодасидан кўриниб турувчи интеллектуал онг даражасини, психологик кайфиятни муҳрлашга ҳаракат қилган.

“Қашғар шоираси Мутриба портрети”да (1947 йил) фикр, сўз, оҳангнинг туғилиши лаҳзаси акс эттирилгандек. Шеър ва мусиқа уйғунлигини хис этиш мумкин. Мутриба танаси талқинида безакдор юза ва рангтасвир пластиклигининг уйғунлашуви сезилади. Шоиранинг юз кўриниши унинг рухиятидаги ички түгёнларни ифодалайди. Портретда шоиранинг илхом оғушида шеър битаётгани акс эттирилган. Асарда бир-бирига қарама қарши, шу билан бирга нозик, сезилмайдиган ранглар ўзаро бирлашиб, картинага алоҳида маъно касб этади. Портрет

ўзининг шафтоли гулидек нозик, биллурдек тиник ранги, чизикларининг мусиқавийлиги билан шу даврда ишланган ишлар орасида ажralиб туради. Бу асарида Ш.Хасанова шарқ миниатюра ва маҳобатли деворий рассомлик санъати анъаналарини европа реалистик санъати анъаналарини уйгуналаштиришга интилиб ўзига хос янги пластик ечимга эришган.

Тарихда шоираларнинг бетакрор шеърлари қолган аммо уларнинг портретлари йўқ ва образларни тасвирлаш табиийки мусаввира учун кўплаб машаққатларни келтириб чиқарган. Рассомнинг рангтасвир асарлари билан танишар эканмиз рассом ўз олдида турган вазифаларни нақадар маҳорат билан ечганига амин бўламиз. Зебунисо портретида биз нафақат ўзига ўхшаш қиёфа эканлигини балки уни Ш.Хасановага ўхшаш ёш, ҳаяжонли ва изланувчанликни кўрамиз. Рассом шарқ миниатюрасини ўрганади. Бу эса Қашгар шоираси Мутрибада сезилади. Тугри асарни миниатюрадан, фигурани тасвирлашдаги силлиқликдан келиб чиқиб ишлайди ва натижада биз хажм, локал ранг текислигини, хира ва гўёки ичидан ярқираётган рангни кўрамиз. Шоира Мутрибанинг фигураси қотиб қолгандек ва бир пайтнинг ўзида ҳаракатда. Шоиранинг гўзаллиги эртакнамо, идеал ва бир пайтнинг ўзида инсоний хислатларга бой. Ш.Хасанова аниқ образни идеал ва хаётий мазмунга тўлдирган. Рассомнинг кўплаб асарлари музей фондларида мавжуд бўлиб асарларнинг хар бири бетакрордир. Ўз ижодий йўлида сезиларли из қолдирди.

Урушдан кейинги йиллар ўзбек санъатининг дастлабки ютуқ ва изланишлари портрет ва манзара жанрида пайдо бўлди. Санъаткорларнинг хаётга, одамларга бўлган ҳурмат ва эътибори, шахсий кечинмалари шу жанрдаги асарларда ўз ифодасини топди. Шу йилларда А.Волков, П.Беньков, Н.Кашина, З.Ковалевская тўлақонли чуқур мулоҳазали, пластик ечими эътиборли асарларни яратдилар. Шу йилларда тарихий шахслар портретда асарларни яратишга эътибор

ортди. Портрет санъатида махаллий рассомлар фаол ижод қилиб уни янги ғоявий пластик мазмун билан бойитдилар. Шамсируй Хасанова (1917-56). 1940 йиллардан бошлаб тарихий портретга мурожаат қила бошлади. 1940 йилларда яратган “Шоира Зебунисо” (1943), “Шоира Зебунисо” (1946), “Шоира Нодира” (1944-1945), “Шоира Увайсий” (1947), “Шоира Мутриба” (1947), шулар жумласидандир. Тасвирланувчиларнинг ҳар бирида рассом ўзига яқин ва таниш фазилатларни – характернинг барқарорлигини, маънавий юксакликни кўрди. Рассомнинг қатор асарлари 1940-1950 йилларга мансубдир. Ш.Хасанованинг барча асарларида миллий характерни очиб беришга интилиш, ўзининг рангтасвирона бадиий тилини, шахсий ифода услубини излаш сезилиб турди. Асарлар композицион тузилиши, колоритининг гўзаллиги ва чизик пластикасининг ифодалилиги билан ажралиб турди. 1930–1940-йилларда реализм анъаналарида ижод этувчи рассомларнинг асарларида шахсни ҳар томонлама чукур ёритишга интилиш яққол кўринади. Уларнинг тасвирларидан шартлилик чизиклари аста-секинлик билан чекина бошлади. Моделнинг индивидуал қайтарилмас хислатлари аниқлилик, вазиятлилик касб эта бошлади. Ўраб турган муҳит сюжетлаштирила бошлади.

Ш.Хасанова гарчи ўзининг авангард концепцияларини шакллантирган рассомлар қўлида таҳсил олган бўлса-да, содда, аммо тасвирий воситаларга бой реализм йўлидан борди. Тасвирий бадиий воситалар ёрдамида дадил изланишлар қилмади.

Рассом ижодида портрет асарларини яратиш жараёнида инсоннинг психологик ҳолатига, унинг индивидуал хислатларига алоҳида қизикиш билан қарайди. Ўзбек аёли, унинг характери, ўзига хослигини чукур хис қилган ҳолда, уларнинг реал психологик талқиндаги қиёфаларини ишлади. Ҳар бир рассом ўз ижод йўли давомида шубҳасиз автопортретга қўл уради. Рассом автопортретда бадиий ютуқларини, ижодий изланиш давомида эришган топилмаларини ва янги ифодавий

воситаларини муҳрлашга ҳаракат қиласи. Шунингдек, ижодкор автопортретда ички руҳиятини, унда кечётган ўй-фикрларини, ўз дунёқарашини, қалбидан ўтказаётган кечинмаларини очиб беради. Табиийки, автопортретни рассом қалбининг кўзгуси деб аташ мумкин. Шу жумладан, рассомнинг автопортретлари мажмуи доимо санъат ихлосмандлари назарида қизиқарли манзара касб этади. Баъзи рассомлар камдан-кам автопортретга қўл урсалар, баъзилари эса ижодларининг аксарият қисмини автопортрет орқали намойиш этадилар.

Ш.Хасанова узоқ яшамасада, Ўзбекистон тасвирий санъати учун унинг номи билан ўтмишдаги ўзбек адигалари образлари галереяси яратилди. Ўзбекистон Давлат санъат музейи тўпламидаги 40 дан ортиқ мусаввира қаламига мансуб асарлар, адигалар образлари, майший жанрдаги асарлар ва натюромортлар ўзбек миллий рангтасвир хазинасининг ноёб дурдоналари сифатида келажак авлодга хужжат сифатида сақланиб келиниши ва намойиш этиб келиниши тахсинга сазовордир.

1920–30-йиллар рангтасвири Ўзбекистон тасвирий санъати тарихининг пойдевори ҳисобланади. 1980-йилларга келиб янги шакл ва мазмун топиш, воқелик, борлиқнинг қатламларини ўрганиш, ўзлаштириш, ундан маъно излаш тенденцияси янада кучайди. Рассомлар эркин нафас ола бошлидилар, ўз қалбларини тўлқинлантирган маънавий оламни қаламга олдилар, тасвиirlарда ҳаётнинг янги-янги қатламлари ўзлаштирилди, очилмаган қўриқларга қўл урилди.

## **Хулоса**

Хулоса қилиб айтганда, 1930-йиллар санъати ижтимоий-мафкуравий ўзгаришлар кесимида вужудга келган реализм услуби илк миллий рассомлар ижодининг шаклланишида Ўзбекистон бадиий мактабининг пойдевори сифатида ўрганилади.

Иzlанилаётган давр санъати тарихига назар ташласак, кўплаб олимлар “соцреализм”га рассомлар 1920-йиллар охири ёки 1930-йиллар бошларида ўтишган деб таъкидлашади.

- рассомларнинг “соцреализм”га ўтиш жараёни турлича бўлган, яъни бир гурух рассомлар замонавий услублардан воз кечган холда давр тузумига мос равища “соцреалистик” асарлар яратган. Лекин шунга қарамай, “соцреализм” билан бир қаторда ўша рассомлар ижодида замонавий авангард услубида яратилган асарларни ҳам кузатиш мумкин.

- кўплаб рассомлар бир пайтнинг ўзида ҳам “соцреалистик”, ҳам “авангард” услубидаги асарларни яратаверганлар деб ҳисоблаймиз. Уларнинг 1930-йиллар бошларида яратган асарларини кузатар эканмиз бунга амин бўламиз. Шунинг учун ҳам бутунлай “соцреализм”да ижод қилишган дейиш бироз мушкулроқ. Масалан, Ў.Тансиқбоевнинг 1930-йиллар иккинчи ярмида “соцреалистик” мавзудаги асарларини “Мартен печи” (1933), “Пайвандчи” (1933), “Тошкент кўчаси” (1934) ва бошқаларни кузатсак, шакл, ранг, бажарилиш жиҳатдан авангард йўналишига хос жиҳатларни илғаш мумкин. Шу каби мисоллар М.Курзин, А.Волков каби бошқа рассомлар ижодида ҳам кузатамиз. А.Волков, А.Николаев, П.Беньков каби рассомлар ўзбек халқининг миллий ўзига хослигини қалби, онги ва юраги билан хис қилиб, маълум бир маънода миллий характер яратишда улкан муваффакиятларга эришганлар.

- асарларда миллий рух, (Ў.Тансиқбоев, Б.Хамдамий, А.Сиддикий, Л.Абдуллаевлар) миллий ўзига хослик, рассомнинг индивидуал

хислатлари ва моделнинг сифатларида намоён бўла бошлаган. Маҳаллий рассомлар секин-аста мустақил ижодий йўлга қадам қўяётганлиги яққол кўзга ташланади. Уларнинг рус тасвирий санъати анъаналарига суянган ҳолда ўлкага хос характерли лавҳаларни таъсирчан композицион услубда, ранг жиҳатидан жўшқин ҳолатларда ифода этганлари ижобий самара ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг замонавий тасвирий санъат ютуқлари, шуннингдек, унинг қисқа муддатли тўхталишлари унинг хар хил жанрлардаги ажойиб ютуқлари республикамиздаги тасвирий санъатни анчагина ёшлигидан далолат беради, унинг миллий юксалиш имкониятлари жуда юқориилигини билдиради.

Ўтган асрнинг 1960–80-йилларида Ўзбекистон рангтасвир санъати муттасил ривожланиб борди. Инсонпарварлик, тарихимизга мурожаат этиш ва ундан илҳом олиш, рассомчиликнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, ўзликни англашга интилишлар сезилиб колди. 1980-йилларда Ўзбекистон тасвирий санъатида аста-секин плюрализм, яъни ҳар бир рассом ўз ички “мен” сезгилари, хиссиёт олами бўйича янги йўналишлар, янги услуг ва гояларни илгари суришда эркинлик сезилгач, илгариги ягона гоявий кўрсатма, ягона услубий йўналиш ўз нихоясига етгач, рассомлар аста-секин кўнгил тубидаги туйгуларини хоҳлаган кўринишда шакл ва ҳолатда ифода этиш имкониятига эга бўла бошладилар. Ташқи таъсир, тазиик сусайгач, демократик жараёнлар рассомлар ижодига, фаолиятига, изланишлари руҳига кириб келгач, давлат буюрувчи сифатида майдонга чиқа бошлагандан сўнг, жонли жараён янада кучайди.

XX аср тасвирий санъатда мусиқа каби эмоционал таъсир етувчи воситалар ахвмият касб этади. Марифатпарварлик ва сюжетни сақлаб қолган ҳолда рассомлар тасвирий санъатнинг табиатга хос бўлган қувватини амммо ижодкор рассомларгагина мос, унинг ўз факторлари:

хажм, ранглари, силуэтлари, фактуралари, фактатгина ранглар ва тасвирий ранглар палитраси мусиқа қаторидаги ички қардошлиқ кабидир. Ўзбекистонда йигирманчи, ўттизинчи, йилларда тасвирий санъатнинг ривожланишининг биринчи босқичларида биринчи ўзбек рассомлари дунё классик реализмини мерос қилиб олишда рус тасвирий санъати ва рус рассомлик мактаби орқали кириб бордилар. 20-йиллар ва айниқса 30-йилларда Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган рус рассомлари ўз навбатида Ўрта шарқ тасвирий санъат меросларини ўзлаштиришга харакат қилдилар (хусусан қадимий фрескалар ва миниатуралар, Ўрта Осиё наққошчилиги ва нарсаларнинг бадиий услуби, археологик қазилмалар даврида).

Бу жараён маданиятни умумий услубига омил бўлди Ўрта Осиё зиёлиларининг маданий меросни ўрганиш сабаб бўлди. Агар асримизнинг йигирманчи йилларда рус рассомларининг экзотик қизиқишлари тепада ётган эски асарлар бўлса ўлтмишинчи йилларда еса уларда онгли равишда Ўрта Осиёнинг мозе қарига ўтган тарихни ўрганишга қизиқиш уйғотди.

## ФОЙДАЛАНАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### 1. Президент асарлари

1.1. Ш.Мирзиёев. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент – 2017.

1.2. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент – 2016.

1.3. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент – 2017.

1.4. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. Тошкент – 2017.

1.5. Ш.Мирзиёев. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши.

1.6. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси. IV бўлим, V банд.

1.7. И.Каримов. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқисга кўтариш - -буғунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Тошкент – 2015. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи.

### 2. Қонун, фармон ва қарорлар

2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрдаги “Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора тадбирлари тўгрисида”ги 618-сон қарори. – Музей-халқ тарихининг кўзгуси. – Тошкент: Ёшлар матбуоти, 2011.- 391 б.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-1913-сон Фармони. – Музей-халқ тарихининг кўзгуси. – Тошкент: Ёшлар матбуоти, 2011.- 391 б.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартағи “Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида”ги 98-сон қарори. – Музей-халқ тарихининг кўзгуси. – Тошкент: Ёшлар матбуоти, 2011.- 391 б.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 сентябрдаги “Музейлар тўғрисида”ги ЎРҚ-177-сон Қонуни. – Музей-халқ тарихининг кўзгуси. – Тошкент: Ёшлар матбуоти, 2011.- 391 б.

### **3. Китоблар**

3.1. Авангард, остановленный на бегу. – Л.: Наука, 1989. – 200 с.

3.2. Ахмедова Н.Р. У.Тансықбаев. Избранные произведения. – М.: СХ, 1988. – 170 с.

3.3. Ахмедова Н.Р. Искусство Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент: 2004. – 205 с.

3.4. Ахмедова Н.Р. Урал Тансикбоев. – Ташкент: Фан, 2004. – 23 б.

3.5. Бабаджанова Г.И. Восприятие пространственных искусств. – Ташкент: Кухи Нур, 2003. – 46 с.

3.6. Быховский Д.А. Урал Тансықбаев. Воспоминания документы. – Ташкент: Фан, 1988. – 90 с.

3.7. Всеобщая история искусств. – Искусство XX в М.: Искусство, 1965. – 972 с.

3.8. Декларация АХРР. Сборник. Борьба за реализм в изобразительном искусстве 20-х годов. – М.: 1962. – 20 с.

- 3.9. Еремян Р.В. Усто Мўмин (Александр Николаев). – Ташкент: 1981. – 136 с.
- 3.10. Тасвирий санъат ҳақида сұхбатлар. Тошкент – 1965 й
- 3.11. Земская М.И. Александр Волков. Мастер Гранатовой чайханы. –М.: СХ, 1975. – 159 с.
- 3.12. Зингер Л.С. Советская портретная живопись 1930-х–конца 1950-х годов. – М.: Изоб. искусство, 1989. – 260 с.
- 3.13. Зингер Л.С. Советская портретная живопись 1917–начала 1930-х годов. – М.: Изоб. искусство, 1978. – 136 с.
- 3.14. Изобразительное искусство Узбекистана. Очерк истории живописи, графики, скульптуры. – Ташкент: Фан, 1957. – 180 с.
- 3.15. Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М.: СХ, 1976. – 608 с.
- 3.16. Колин Н. Изобразительное искусство Узбекской Республики. – М.: Искусство, 1937. – 160 с.
- 3.17. Круковская С.М. В мире сокровищ. – Ташкент: Изд. лит. и искусства, 1964. – 167 с.
- 3.18. Круковская С.М. Усто Мўмин. (Александр Николаев) 1897-1957. Жизнь и творчество. – Ташкент: Изд. лит. и искусства, 1973. – 132 с.
- 3.19. Нафосат. Сборник статей молодых искусствоведов Узбекистана. – Ташкент: Медиа Ленд, 2001. – 144 с.
- 3.20. Нафосат. Ўзбекистон ёш санъатшуносларининг мақолалари тўплами. – Тошкент: 2009. – 184 б.
- 3.21. Полевой В.М. Искусство XX века 1901-1945. – М.: Искусство, 1991. – 303 с.
- 3.22. Абдулхақ Абдуллаев. Жажда прекрасного // Воспоминания, статьи, выступления. - Т. 1994. 126 б.

- 3.23. Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. –Ташкент: Фан, 1975. – 292 с.
- 3.24. Соколова М.А. Павел Петрович Беньков. Воспоминания, переписка. – Ташкент: Изд. лит. и искусства им. Г.Гуляма, 1981. – 147 с.
- 3.25. Такташ Р.Х. Бахром Ҳамдамий ҳаёти ва ижоди ҳакида очерк. – Тошкент: Фан, 1969. – 56 б.
- 3.26. Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана вторая половина XIX в -50 е гг. XX в. – Ташкент: Изд.лит.и искусства, 1972. – 106 с.
- 3.27. Такташ Р.Х. Александр Николаевич Волков. – Ташкент: Фан, 1982. – 160 с.
- 3.28. Такташ Р.Х. Н.В.Кашина. Ташкент: Изд. лит.и искусства им. Г.Гуляма, 1982. – 86 с.
- 3.29. Такташ Р.Х. Художественно-критические этюды. Пути и проблемы становления узбекского изобразительного искусства. – Ташкент: Фан, 1992. – 150 с.
- 3.30. Умаров А. Портретная живопись Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1968. – 120 с.
- 3.31. Халаминская М. Искусство молодых.– М.: Искусство, 1967.– 170с.
- 3.32. Ҳакимов А.А. Ўзбекистон санъати. – Тошкент: 2001. – 160 с.
- 3.33. Ҳакимов А.А. XX аср авангарди. Тошкент: – Мозийдан садо, 2003. – 156 б.
- 3.34. Чегодаева М. Соцреализм. Миры и реальность. – М.: Захаров, 2003. – 216 с.
- 3.35. Чепелев В. Искусство Советского Узбекистана. – Л.: Изд. Ленинградского областного союза советских художников, 1935. – 130 с.

3.36. Шляхтина Л.М. Основы музейного дела. Теория и практика. – М.: Наука, 2005. – 183с.

3.37. Шостко Л.В. Оганес Татевосян. – М.: Искусство, 1969. – 107 с.

3.38. Шостко Л.В. Оганес Татевосян. – М.: Искусство, 1977. – 116 с.

3.39. Шостко Л.В. Виктор Уфимцев. – Ташкент: Изд. лит. и искусства им. Г.Гуляма, 1984. – 96 с.

#### **4. Илмий мақолалар**

4.1. Алимкулова Д.Р. Ўзбекистон рассомларининг 1920-1930 йилларда яратган кам ўрганилган асарлари. // SAN'AT. – Тошкент, 2008. – №3-4. – Б. 19-20.

4.2. Алимкулова Д.Р. Павел Беньков ижодида фалсафа ва шеърият. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуклари. – Тошкент, 2009. – №4. – Б. 125-128.

4.3. Алимкулова Д.Р. 1920-30-йиллар рангтасвири бугунги анъаналарда. // Материалы ежегодного научно-популярного сборника статей MERO. – Тошкент, 2010. – Б. 132-137.

4.4. Ахмедова Н.Р. Рассом – давр – тарих. // SAN'AT. – Тошкент, 2004. – №2. – Б.20

4.5. Ахмедова Н.Р. Шарққа мафтун бўлиб... // SAN'AT. – Тошкент, 2004. – №3-4. – Б 21.

4.6. Джумев А. Куде бредет караван: культура Центральной Азии в поисках новых путей и идентичностей. // KURAK. – Бишкеқ, 2007. – №1. – С.5-10.

4.7. Живопись Узбекистана 1920-1980 годов: горечь и радость метаморфоз. // SAN'AT. – Ташкент, 1999. – №4. – С.19-21.

4.8. Выставка. // Правда Востока. - 1926. – 29.09.- №224. – Б 2.

4.9. Хакимов А.А. Живопись Узбекистана (с древнейших времен до конца 20 века). // В кн. Антология изобразительного искусства Узбекистана. –Ташкент, 2009. – С.17-31


4.10. Култашева Н. Тошкентлик биринчи рассом Бахром Ҳамдамий // SAN'AT. - Тошкент, 01.07.2009. - № 3.

4.11. Абдулхақ Абдуллаев. Инсон гўзаллиги // SAN'AT. - Тошкент, 01.07.2009. - № 3.

## ИЛОВАЛАР



Беньков П.П. Й.Охунбобоев портрети. 1931-йил



Беньков П.П. Ҳовуз мешкобчилари. 1928-йил



Беньков П.П. Дугоналар. 1940-йил



Абдуллаев Л. Халқ ҳофизи Түйчи Тошмухаммедов портрети. 1938-йил



Абдуллаев Л. Мақсұд Шайхзода портрети. 1970-йил



Абдуллаев Л. Шомахмудовлар оиласи. 1981-йил




Розиқов А. Оқшом. 1949-йил



Розиқов А. Самарқанд 1950-йил



Розиков А. Чойхона. 1950-йил



Темуров Р. Самарқанд. 1958-йил



Темуров Р. Самарқанддаги Темурийлар дағн этилган жой. 1968-йил



Абдуллаев А. Она портрети. 1952-йил



Абдуллаев А. Ёзувчи Саидахмад портрети. 1975-йил



Абдуллаев А. Алишер Навои портрети. 1980-84-йиллар



Волков А.Н. Автопортрет. 1940-йил



Волков А.Н. Азорли чойхона. 1924-йил



Волков. А.Н. Мусиқачилар. 1929-йил



Волков А.Н. Икки қирғиз қизи. 1928-йил



Волков А. Н. Пахта билан қизлар. 1932-йил



Хамдамий Б. Автопортрет. 1932-33-йиллар



Хамдамий Б. Мўйсафид портрети. 1936-йил



Хамдамий Б. Ёш рассомлар. 1939-йил



Хамдамий Б. Комсомол қиз Мұхиддина. 1940-йил



Хамдамий Б. Севимли қүшик. 1939-йил



Рахимов Х. Пионино олдидаги қиз. 1935-36-йиллар



Сиддикий А. Түй. 1934-йил




Насриддинов Л. Она портрети. 1940-йил



Хасанова Ш. Шоира Увайсий портрети. 1947-йил



Ҳасанова Ш. Шоира Нодира портрети. 1944-45-йиллар



Ҳасанова Ш. Шоира Зебунисо портрети. 1943-йил

**Камолиддин Бехзод номидаги МРДИ, Санъатшунослик факультети,  
Санъатшунослик бўлими битиравчиси Халилова Нилуфарнинг  
“Ўзбекистонда илк маҳаллий рассомлар ижоди” мавзусидаги  
малакавий битирав ишига  
ТАҚРИЗ**

Бугунги кун миллий санъатшуносликда Ўзбекистон рангтасвирининг шаклланиш ва ривожланишини қайтадан ўрганиб чиқиб, мушоҳада этиш долзарб вазифалар қаторига киради. Айнан шу сабабдан ҳозирги замон тадқиқотчилари олдида янги тарихий маънавий маконда миллий бадиий мактабнинг шаклланиш масалаларини кўриб чиқиш ва унда илк миллий кадрларни ўрнини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда Н.Халилова малакавий битирав иши учун танлаган мавзуси долзарб саналади.

Малакавий битирав ишининг биринчи боби “**XX асрнинг биринчи чорагида сиёсий, бадиий ҳаёт**” деб номланиб дипломант томонидан икки бўлимга ажаратилган холда ўрганиб чиқилган. “1930-йилларда Ўзбекистондаги сиёсий муҳит” номи остидаги биринчи бўлимда муаллиф томонидан нафақат даврдаги сиёсий муҳит, шунингдек ижтимоий-бадиий ҳаёт, дастлабки тасвирий мактабларнинг шаклланиши, бадиий кургизмаларнинг ташкил этилиши ва бу жараёнда фаол иштирок этаётган рассомларга алоҳида тўхталиб ўтган. “**Илк маҳаллий рассомлар мактаби**” деб номланган кейинги бўлимда 1920 йиллардан сўнг Тошкент ва Самарқандда ташкил этилган бадиий студиялар ва уларда фаолият юритган рассомлар, хусусан П.П.Беньков, А.Волков ижоди кенг ёритилган.

Иккинчи боб “**Илк маҳаллий рассомларнинг ижоди**” деб номланган бўлиб, унда битиравчи дастлабки маҳаллий рассомларнинг ижодий тақдирларини катта манбащунослик негизида таҳлил этишга уринган. Биринчи бўлимда 1930 йилларда рассомлар ижодининг шаклланиши, П.Беньков бошчилигидаги Самарқанд мактаби фаолияти ҳамда унинг кўлида таҳсил олган Л. Абдуллаев, Р. Тимуров, А. Розиқов, А. Абдуллаевлар каби дастлабки миллий рассомлар ижоди ҳақида маълумотлар тўпланган. Шунингдек, А.Волков бадиий раҳбарлиги остидаги Тошкент баддий мактаби вакиллари Б.Ҳамдамий, Л. Насреддинов, X. Рахимовларнинг ижодий тақдирлари дипломант томонидан таҳлил этишга ҳаракат қилинган. Бобнинг “**Илк маҳаллий рассомлар ижодининг ривожи**” номи остидаги бўлимда П.Беньковнинг

педагоглик фаолияти, Л.Абдуллаев, Б.Ҳамдамий, Ш.Ҳасанова ижодига алоҳида тавсиф бериб ўтилган.

Ишнинг Хулоса қисмida битирувчининг тўплаган катта маълумотлари умумлаштирилган. МБИ дан кўриниб турибдики, Н.Халилова муайян мавзуларда санъатшуносликка оид тадқиқот ишларини олиб бориш, тўпланган материалларни таҳлил қила олиш каби касбий малакага эга бўлган. Мазкур малакавий битирув иши олий ўқув юртининг бакалавриат талабларига тўлиқ жавоб беради.

Ишнинг ютуқларидан ташқари баъзи жузъий камчиликлари хам мавжуд, лекин бу ишнинг мазмунига таъсир қилмайди. Тўпланган манбаларнинг кенглиги, янгилиги, уларга таҳлилий муносабатда бўлганлигини инобатга олган ҳолда Нилуфар Халилованинг “Ўзбекистон бадиий мактабининг шаклланишида ilk маҳаллий рассомлар ижоди” мавзусидаги малакавий битирув ишини “аъло” баҳоға тавсия этаман.

Тақризчи: Тошкент Архитектура

Куриянчи Институти “Архитектура  
тарихи ва назарияси” кафедраси  
мудири

Ш.Н.Абдуллаев

